

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

ИШОНҚУЛОВА ГУЛЗОДА БАХРОМОВНА

**«ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ БОЛА
ТАРБИЯСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ»**

5A140802 - Психология мутахассислиги бўйича

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши

Илмий раҳбар:

доц. М.Файзиева

Қарши – 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I-БОБ. ҲОЗИРГИ ДАВР ЖАМИЯТ ТИЗИМИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ШАРОИТИДА ОТА-ОНАЛАРНИ ОИЛА ТАРБИЯСИДА МУНОСАБАТИ, ХУСУСИЯТИ.....

I.1. Қомусий алломалар оилада ота-она ва бола муносабати ҳақида.

I.2. Ота-оналарни бола тарбиясига муносабатини илмий-тадқиқот ишларига атрофлича ёритилиши.....

1-боб бўйича хулоса.....

I.3. Ўзбек оиласида бола тарбиялашни ўзига хос хусусиятлари.....

II – БОБ. ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИДАГИ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК..... МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....

II.1. Оилада бола тарбиясида бўлган муносабатларнинг хусусиятлари.....

II.2. Оила тарбиясидаги боланинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш.....

ХУЛОСА.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли мамлакатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Мамлакатимиз келажак равнақи бугунги ёш авлод тарбиясининг қандай бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий мажлис XIV сессиясидаги нутқида шундай дейди, «Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир». Бошқача айтганда биз ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, Айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол имсонларни тарбиялашимиз керак.

Биз фарзандимизни баркамол руҳий дунёси учун уларнинг маънавий ахлоқлий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур. Бу сўзларни мағзини чақадиган бўлсак мустақил мамлакатимиз келажаги жамият учун мустаҳкам эътиқодли, дили пок, руҳи комил инсонлар томонидан кўрилади. Чинакам шарқона одоб-ахлоқ ва тарбиянинг барча қирраларини ўзида мужассамлаштирган, халқ анъаларига таянган мураббий ва оналарнинг ҳамкорлиги билан узвий боғланган педагогик жараёнгина юқорида кўзланган эзгу мақсадни амалга ошириш мумкин.

Бугунги кунда жамиятимизга илғор қадамлар билан кириб келаётган мафкуравий ўзгаришлар, бозор муносабатларига ўтиш маънавий янгилашиш, руҳий покланиш таълим-тарбия иши олдида янги талабалар, мақсадларни кўймоқда.

Мамлакатимиз келажаги, равнақини мустаҳкамлайдиган авлод аввало оилада шаклланади Президентимиз И.А.Каримов ёшлар тарбиясида оиланинг роли катталигини ҳисобга олиб истиқлолга эришганимиздан буён – 1998 йилни «Оила» йили, 1999 йилни «Аёллар»

йили, 2000 «Соғлом авлод» йили, 2001 йилни эса «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилдилар.

Бу йиллар ичида оилаларни ижтимоий таъминлашга аёллар соғлиғини сақлашга, меҳрибонлик уйлари ва интернатларда давлат томонидан ижтимоий ёрдамни кучайтиришга, болаларни соғлиғини янада мустаҳкамлашга, уларни ҳар томонлама таълим олиб камол топишига, она ва бола соғлиғини мустаҳкамлашга, она ва болани парвариш қилиш тизимини кучайтиришга қаратилган бир қанча вазифалар амалга оширилмоқда.

«Она ва бола» давлат дастурида белгиланган мақсадларга кўра энг яхши анъаналаримиз ва урф-одатларимиз асосида болани Ватанга ва халққа муҳаббат, садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ота-оналар, таълим муассасалари ва маҳаллаларнинг роли кучайтириш, мустаҳкам ва соғлом оилани шакллантириш учун эса зарур шароитлар яратиш, болани тарбиялаш жисмоний ва маънавий ривожлантиришда она ва боланинг ролини кучайтириш каби вазифаларни тўлиқ амалга ошириш кўзда тутилган.

Бола тарбиясини амалга ошириш жараёнида мактаб жамоачилик билан бир қаторда оила ҳам алоҳида, ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

Ёш авлод ҳаётнинг кўп қисми оилада ўтади. Шу боисдан бола турмушининг мураккаб томонлари билан ҳудди шу жамоада танишади. Шунинг учун ҳам оила жамиятнинг муҳим бўғини сифатида болаларнинг ахлоқи, юриш туриши, ҳатти-ҳаракатлари, эътиқод ва дунёқарашига тарбиявий таъсир кўрсатиши ҳамда уларни турмуш қуришга тайёрлаб бориши лозим. Оиладаги мавжуд анъаналар, урф-одатлар, расм-русумларнинг ва маросимларнинг ижобий таъсири кучли бўлиб, халқимизнинг ўтмишдаги ахлоқий хислатларини ифодаловчи меҳмондўстлик, инсонпарварлик, уй ва ҳовлини тоза озода сақлаш боғ-

роғлар барпо этиш, халқ сайиллари ва мавсумий байрамларни биргаликда ўтказишга ўз ифодасини топади.

И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида, ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари»¹.

Миллий анъаналарни, урф-одатларни, маданий қадриятларни тиклаш иши оила тарбиясига ҳам бугунги кунда янгича назар билан қарашни, оила тарбиясининг ўтмиш меросими ва бугунги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий психологик жиҳатларини ўрганиб чиқишни тақозо этмоқда.

Маълумки, жамиятда бўладиган ҳар қандай ўзгаришлар кишининг руҳиятига, ички кечинмаларига ўзаро муносабатларига бевосита таъсир қилади. Бу жараёни жамиятнинг асосий негизларидан бири бўлиши оилага, оила аъзоларининг ўзаро муносабатларига ҳам маълум даражада кириб бориши ҳам табиийдир.

Истиқлол мафкурасининг таълим тарбия тизимига дадил одимлар билан кириб келаётганлиги, таълим тизимини миллийлаштириш борасида амалга оширилаётган қатор чора-тадбирлар педагогика фани олдида оилада бола тарбиясининг давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий тарихий, ижтимоий руҳий асосларга таяниб қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириш вазифасини қўйди. Шу боис ўзбек халқи ҳаётида одат бўлиб қолган ва авлоддан-авлодда ўтиб келаётган урф-одат, анъаналар, расм-русумларга асосланган оилада болаларга бериладиган тарбиянинг педагогик психологик томонларини ўрганишни диссертациямизга мақсад қилиб қўйдик.

Тадқиқотимиз мақсади: оилада бола тарбиясини амалга оширишнинг психологик асосларини қилиш, уни амалга оширишнинг йўл ва воситаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотимиз объекти: оилада бола тарбиясини амалга ошириш жараёни.

¹ И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХІаср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари».

Тадқиқот предмети: оилада бола тарбиясини амалга ошириш йўллари, усуллари.

Тадқиқот фарази: оилада бола тарбиясини амалга оширишда қуйидагиларга амал қилинса.

агар:

- оилада бола тарбиясини фаолиятини чуқур таҳлил қилинса.

- оилада болани тарбияланиши мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги асосида ташкил этилса.

- оилада бола тарбиясини ташкил этиш тизимли, аниқ мақсад асосида ташкил этилса ижобий самараларга эришиш мумкин.

Мақсад ва фаразларга асосланиб тадқиқотнинг қуйидаги вазифалари белгиланади.

- оилада бола тарбиясига оид назарий қарашлар ва аجدодларимиз меросини ўрганиш.

- оилада болаларни маънавий, ахлоқий тарбиялаш омилларини ўрганиш.

- оилада болани тўғри тарбиялашни йўл ва воситаларини ишлаб чиқиш.

- оилада бола тарбиясига оид тавсиялар тайёрлаш.

I – БОБ. ОИЛАДА ТАРБИЯНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ ИЛМИЙ МУАММО СИФАТИДА

1.1. Оила тарбиясининг назарий асослари

Мустақиллигимиз солномасига бир назар ташласак мамлакатимизда тарихан қисқа 17 йил давомида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада мазмунан бой ишлар қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Буларнинг барчасини негизида инсон, мамлакатимиз фуқароларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш ётади.

Дарҳақиқат, юртбошимиз И.Каримовнинг ташаббуслари билан 1997 йилнинг «Инсон манфаатлари йили» деб, 1998 йилни эса «Оила йили» деб эълон қилинишининг ўзи ҳам республикаимизда инсон омилига, айниқса оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга бўлган эътибордан далолат беради.

Президентимиз томонидан 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши мазмун ва моҳият жиҳатидан инсон манфаатлари йилининг тадрижий давомидир.

Мамлакатимизда оила масаласига алоҳида эътибор бераётганлиги бежиз эмас, албатта. Юртимизнинг порлоқ эртасининг замини жамиятимизнинг асосий бўғини бўлиши оилада яратилади.

Оила шундай муқаддас маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади, этник маданият, урф-одатларимиз, ахлоқий маънавий қадриятларимиз сақланади ва ривожлантирилади, жамият тараққиётини белгиловчи иқтисодий ва маданий ҳаёт пойдевори қўйилади ва мустаҳкамланади.

Маънавий етук оила – маънавий юксак жамият таянчидир. Оила урф-одатлари, шажараси, анъаналари, ахлоқий-маънавий қадриятларни фарзандлар онгига сингдириш, ҳар бир киши касб-хунар малакалари билан қуроллантириш маънавий баркамолликни тарбиялашнинг асосидир. Жойлардаги хотин-қизлар, ёшлар ташкилоти, маҳалла оқсоқоллар кенгашлари олдида турган муҳим вазифалардан бири оила қадриятларига

бағишланган суҳбатлар конференция, мунозара, учрашувлар, оилавий байрамлар китобхонликлар, санъат асарлари кўргазмалари, қўшиқ ва рақслар кўрик танловлари ўтказиш, оилавий фольклор этнографик ансамбллар ташкил этиш, тарихий жойларга саёхатлар уюштиришдан иборатдир.

Оила – тарбия ўчоғидир. Демак оилада маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш масаласи оила йилида амалга ошириладиган муҳим иш йўналишлардан биридир.

Ёш авлоднинг маърифатли маданиятли бўлиб шаклланиши, энг аввало, оилада бошланади. Шунинг учун оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш умумдавлат аҳамиятига эга. Шунга кўра, оила ва оилада бола тарбияси ижтимоий-сиёсий, маърифий-тарбиявий жиҳатдан долзарб (масала) бўлиб, уни миллий қадриятлардан чуқур ва ҳар томонлама фойдаланиш билан боғлиқ жиҳатларни тадқиқ этиш мустақиллик даврининг муҳим талабидир.

Миллий маънавий қадриятларнинг, миллий тарбия усулларининг аҳамиятини камситмаган ҳолда ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий шароитда ҳам тарбия соф миллий мезонлар доирасида қолиб кетиши мумкин эмас. Жамият тараққиётининг барча даврларида тарбиянинг мазмуни ва йўналиши миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги билан белгиланади. Бу назарий қоида бугунги кунда ижтимоий тарбияга ҳам, оилавий тарбияга ҳам бевосита тааллуқлидир. Тадқиқотда ўртага ташланган барча ғоялар ана шу методологик қоида атрофида ривожланиб боради.

Бугунги кунда педагогика фани олдида кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг маънавий-маърифий заминини яратишдан иборат. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг таълим-тарбиявий жараёнларга таъсири билан боғлиқ бўлган масалалари ана шу заминнинг муҳим томони ҳисобланади.

Болаларда манфаатдорлик, ишбилармонлик ҳиссини тарбиялаш ўзбек оилаларда жуда қадимдан мавжуд. Унинг барча жиҳатлари оила ҳаётида намоён бўлиб келган ва маънавий қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бугунги кунга бу қадриятлар ўзининг барча қирраларини кўрсатиб, янги ижтимоий муносабатлар шаклланишининг муҳим омили ҳисобланиб келмоқда.

Болаларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш уларнинг миллий ғурур, миллий онг ва ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришни тақозо этади. Болага Ватанга меҳр ғоясини сингдириш, миллат ўтмишига, унинг қадриятларига бўлган ҳурмат ҳиссини тарбиялашдан келиб чиқади. Ота-онани болага, болани ота-онага бўлган меҳр-муҳаббати Ватанга бўлган муҳаббат билан йўғрилган бўлиши керак. Мустақиллик шароитида оила, оилавий муносабатлар ва оилавий тарбияга янгича ёндашишнинг моҳияти ҳам ана шундадир.

Ҳозирги янги ижтимоий-иқтисодий шароит халқ таълими концепциясидан келиб чиққан ҳолда оилада ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, оила билан мактаб, оила билан маҳалла, оила билан меҳнат жамоалари умуман оила билан кенг жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни ўз ичига оладиган (янги оила тизими концепциясидан келиб чиққан ҳолда оилада ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, оила билан мактаб, оила билан маҳалла, оила билан меҳнат жамоалари, умуман оила билан кенг жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни ўз ичига оладиган) янги тарихий вазият талабларни назарда тутадиган янги оила тизими концепциясини ишлаб чиқиш заруриятини туғдирмоқда. Бу концепцияда миллий, умуминсоний, диний, ҳудудий, демографик хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда оилавий тарбия назарияси ва амалиётининг асосий мазмунини очиб берилмоғи зарур.

Юқоридагиларга суянган ҳолда биз мазкур муаммони чуқур ўрганиб ва таҳлил қилиб, бугунги кун амалиётига жавоб берадиган ўзимизнинг

назарий хулосаларимизни ўртага ташладик. Улар бизнинг илмий концепциямиз сифатида ҳозирги замон педагогика фани ривожини учун хизмат қилиши мумкин.

1. Янги ижтимоий – тарихий шароит оила, оилавий муносабатлар ва оилавий тарбия ҳам жиддий ўзгаришларни тақозо этмоқда. Болаларни мустақиллик руҳида, янгилик фикрловчи шахсларни тарбиялаш оиладан бошланишини эътиборга олиб, оилавий тарбия мазмунини қайтадан кўриб чиқиш ва уни янада бойитиш, унинг асосий йўналишларини белгилаш ва шу асосда мақсад ва вазифаларни ҳам уларни қандай воситалар билан амалга ошириш йўллари аниқлаш муҳим ижтимоий-педагогик заруриятдир.

Ана шу заруриятдан келиб чиққан ҳолда оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш масаласи ижтимоий сиёсий ва маданий маърифий аҳамият касб этмоқда. Чунки, мазкур масалаларни ҳал этиш анча мураккаб ва зиддиятли бўлиб, унга ворисийлик ва тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашишни талаб этилади.

Миллий истиқлол ривожланишининг ҳозирги босқичида оилавий тарбияда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг янги мезонларини ўртага ташламоқда. Бу мезонлар ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий онг, миллий ўз-ўзини англаш, миллий тафаккур, миллий тарбия каби тушунчаларда ўз ифодасини топган бўлиб, улар тарбиявий жараёнининг бугунги кунда ривожланиши учун муайян тарздаги бир мақсадга қаратилганлигини таъминлайди.

2. Муаммонинг илмий таҳлил қилишда унинг мазмунини очиб беради асосий тушунчаларни изоҳлаш зарур. Оилавий тарбиянинг моҳиятини тўғри тушуниш учун педагогик муаммо сифатида тадқиқ этиш имкониятини очиб беради. Шунга кўра, биз «Оилавий тарбия» тушунчасига чуқур ва ҳар томонлама ёндашиб, у ота-оналарининг ўз ҳаётининг фаолиятлари, турмуш тарзлари, анъаналари ёрдамида бола

шахсига сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний қарашлар, ғоялар ва тасаввурларни шакллантиришни назарда тутиб, бир мақсадга қаратилган ҳолда мунтазам олиб бориладиган изчил маънавий таъсир ўтказиш жараёнини ифодаладиган педагогик тушунча деган хулосага келдик.

Жамият маънавий ҳаётида юз берадиган салбий иллатларнинг генезисини бола тарбиясида йўл қўйилган хатолар оқибати деб билмоқ зарур. Оила ҳаётини асли муддаоси ва бош мақсади болалар тарбиясининг бош мактаби эса оиладаги ўзаро муносабатлардир.

3. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш устида тўхталганда, миллий ахлоқнинг ўзига хос хусусиятини очиб бермоқ зарур.

Миллий ахлоқ ота-боболаримизнинг тарихий тажрибалари, даврлар синовдан ўтган ҳаёт сабоқлари ва ўғит кўрсатмалари жамулжамдир. Ана шу туфайли миллий ахлоқий қадриятларимиз асрлар оша авлодлардан-авлодларга ўтиб келмоқда.

Ҳар қандай ахлоқий фазилат у ёки бу йўсинда инсонда ҳатти-ҳаракат тартибга солинишининг ифодаси бўлиб, инсонга бўлган ҳурмат эътибор, меҳр-муҳаббатни билдирар экан, у умубашарий мазмунни беради. Зотан, ҳар қандай шахс одамзотнинг бир зарраси экан, унда бутун одамзотнинг моҳияти мужассам, шунинг учун ҳам бутун инсониятга мансубдир. Шунга кўра, ҳар бир ота-она ўз фарзанди тарбиясида, уни баркамол инсон бўлишида умуминсоний маъно ва мазмунни кўрмоғи лозим. Боланинг ахлоқий фазилатлари умуминсоний характер касб этиб умубашарий қадриятга айланишини англаб етган ота-она фарзандлари тарбиясидаги маъсулиятни чуқур ҳис қилмоқлари мақсадга мувофиқдир.

4. Миллий ахлоқ миллий тарбия натижасида таркиб топади. Миллий тарбия негизида оилавий тарбия ётади. Оилавий тарбия эса тарихан таркиб топган халқ педагогикасига асосланади. Халқнинг тарбия ҳақидаги қарашлари оддий эмперик билимлардан иборат бўлибгина қолмасдан балки тарихий жараёнда тўпланган ҳаётий тажрибалари,

турмуши сабоқлар натижасида муайян даражада тартибга туширилган қарашларнинг тизимидир. Бу тизим халқнинг оилавий ҳаёти, анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзи, маиший турмуш ва миллий руҳияти билан боғлиқ жиҳатларни ўз ичига олади.

5. Оилада шахсни маънавий-ахлоқий шакллантириши боланинг туғилиши бошланади ва у оилавий муносабат, характери, ота-оналарнинг намунаси, улардаги умумтаълим даражаси, умуммаданий савияси, ҳамда умумпедагогик маданияти ва оилавий ҳаётини ташкил этишдан иборат. Бу омиллар оилада боланинг маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмунини ташкил этади ва улар бир қатор педагогик хусусиятларни ўз ичига олади. Буларни ҳисобга олиш болани маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий ахлоқий қадриятлардан фойдаланишнинг моҳияти ўзига хослиги ва аҳамиятини билишга ёрдам беради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни мамлакатимизда қийин кечмоқда. Кўпгина оилалар ишлаб чиқариш муносабатларнинг бу янгича шаклига турлича ёндашмоқдалар. Уларнинг айримлари ишбилармонлик ва психиканинг моҳиятини тўла англаб етмаганлари ҳолда болалар тарбиясида жиддий хатоларга йўл қўймоқдалар. Оқибатда оиладаги маънавий-ахлоқий тарбияда салбий ҳолатлар пайдо бўлмоқда. Уларни бартараф этиш, бу ҳолатларни чуқурлаштиришга йўл қўймаслик, бунинг учун зарурий тавсиялари ишлаб чиқиш тарбиявий жараёнда жуда зарур. Шулардан бири миллий қадриятлардан самарали фойдаланишдир.

6. Инсон бутун мавжудодлар ичида энг улуғи, барча нарсалар унинг учун яратилган, деган ғоя исломий маънавиятнинг негизини ташкил қилса, инсонларнинг ўзаро маънавий оқибатли бўлишига ундаш ва уларда олийжаноб фазилатларни шакллантириш ислом педагогикасининг асосидир.

Ислом халқининг ижтимоий ҳаётига, хусусан, оилавий муносабатларига, маданияти ва миллий анъаналарига сингиб кетган, аммо, бундан ўзбек халқининг қадимий, такрорланмас маданияти,

жумладан оилавий қадриятлари ислом динисиз мавжуд бўлмас эди, деган қараш келиб чиқмайди. Исломиё маънавият манбаларида оила, оилавий муносабатлар ва оилавий тарбияга оид қарашлар тизими мавжуд, у ўз ичига оиланинг шаклланиши, ривожланиши ва мустақамланишига қаратилган барча жиҳатларни ўз ичига олади. Бу қарашлар илоҳиёт нуқтаи назаридан ўртага ташлансада, улар кишиларнинг ҳаётий фаолиятлари, турмуш тарзлари ижтимоий эҳтиёжлари, ниҳоят оилавий муносабатлари талабидан келиб чиққанлиги учун ҳам ақлга ва кундалик турмушга мувофиқ эди.

Исломда оилавий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилиб ўтилади. Бу хусусиятлар мусулмончилик талабидан келиб чиққан бўлиб, болани ахлоқий тарбиялаш ҳақидаги умумий ғоялар билан боғлиқ бўлиб, улар болани инсонийликка ва эзгуликка даъват этганлиги учун умуминсоний мазмунга эгадир. Бугунги кунда ота-оналар исломиё маънавиятнинг ана шу умуминсоний мазмунини болалар шуурига сингдириб боришлари зарур. Мусулмончилик ҳақидаги ахлоқий қарашларни диний қадрият сифатида оилади болаларни тарбиялаш зарурлигини ота-оналар томонидан англаб етилиши, ёш авлодни мустақиллик руҳида тарбиялашдек умумдават, умуммиллий дастурни бажаришга ёрдам бериш, шакшубҳасиздир.

7. Шарқ мутафаккирлари меросида таълим-тарбия, хусусан, оилавий тарбия масалаларига кенг ўрин берилган. Улар болаларни тарбиялашни жамият тақдирини, миллатнинг келажагини белгилайдиган асосий мезон деб ҳисоблаганлар. Уларнинг педагогик қарашлари замирида ижтимоий идеал сифатида комил инсон ғояси ётади. Улар тарбияда ижтимоий ва биологик томонларининг ўзаро муносабати ҳақида тўхталиб, ирсият, муҳит таъсири бирдек эканлиги, тан ва руҳ соғломлигининг бирлиги каби масалаларни ўртага ташлайдилар. Уларнинг ақлий, меҳнат, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбиянинг бирлиги ва уларнинг амалга ошириш йўллари ҳақидаги, оилада болалар тарбияси ҳақидаги фикрлари мазкур

муаммоларининг кўпгина жиҳатларини қамраб олади ва улар муайян педагогик қарашлар тизимини ташкил этади. Бу қарашлар ўз даврларидан анчагина илгарилаб кетиб бир неча асрдан бери аجدодларимиз тафаккурини бойитиб, маънавий қадрият сифатида бугунги кунда ўз қийматини йўқотмай келмоқда, улар ижтимоий ва оилавий тарбия бирлиги ҳақидаги масалани ижобий ҳал қилишга уринганлар, буни ҳозирги замон педагогикаси ҳам тўла эътироф этади.

8. Мустақиллик шарофати билан оилавий муносабатларнинг янги типи қарор топапти. У кўп йиллар давомида таркиб топган ва анчайин барқарор бўлган эски тузилмаларни емирилишига олиб келмоқда. Бу нарса бола онгига манфаатдорлик ҳиссини, мулкчилик руҳиятини сингдиришни талаб этади.

Диний қадриятларнинг янги тарихий шароитда оиладаги маънавий-ахлоқий тарбиядаги муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шу билан изоҳланадики, диний тасаввурлар, расм-русумларнинг миллат турмуш тарзига, халқнинг ҳаётий фаолиятига сингиб кетишига сабаб, диний онгни инсон рўҳиятига бўлган кучли таъсири оқибатидир. Айни вақтда, оилавий тарбия жараёнида диний қадриятлар билан диний бидъатни фарқлаш ва бола онгини диний хурофотлар билан заҳарлашни олдини олиш ота-оналарнинг бурчи ҳисобланади.

Ўзбек оилаларда кенг тарқалган ҳалоллик, тўғрилиқ, бировлар ҳақида ҳиёнат қилмаслик, хайри-эҳсон, соҳоват ва мурувват, тежамкорлик ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик каби фазилатлар миллий ва диний қадриятлар замирида шаклланган ва улар оилавий тарбия натижасида ота-оналаридан болаларига ўтиб уларнинг маънавий дунёсини бойитган.

Болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда маҳаллаларининг роли ката. Чунки, қадимдан ўзбек маҳаллалари ўз-ўзини бошқарув шакли сифатида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ишларни олиб бориш масканига айланган. Айниқса, маҳалла оқсоққоллари оилаларни иноқ ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга алоҳида эътибор берганлар. Оилавий низоларни

маҳалла фаоллари бартараф этганлар. Маҳалла болаларнинг тарбияси ҳам уларнинг эътиборидан четда қолмаган. Шунга кўра, маҳалла ўзбек халқи тарихий тараққиётининг барча босқичларида муҳим роль ўйнаб келаётган ва миллий қадриятга айланган ижтимоий-сиёсий тузилмадир. Маҳаллада тарбиявий ишлар биринчи мақсадга қаратилган ҳолда олиб борилиши, уларнинг обрўйини таъминлаш ва оилани мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятини муваффақлаштириш зарур бўлади. Оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлигини таъминлайдиган илмий концепция ишлаб чиқилиши ва уни амалга оширишни таъминлайдиган ижтимоий-сиёсий тизим - Маҳалла жамғармаси фаолиятини активлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Оиланинг муҳим вазифаларидан яна бири коммуникативлик бўлиб, унинг мазмунини оила аъзоларининг ўзаро алоқалари, оммавий ахборот воситалари билан оила аъзолари ўртасидаги яқин алоқани таъминлаш, теварак-атрофдаги табиатни, ижтимоий муҳитни идрок қилиш каби масалалар ташкил этади. Кейинги йилларда ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда оммавий ахборот воситалари, матбуотнинг таъсири ката бўлмоқда. Ёшларнинг кўрган-эшитган, ўқиган нарсаларини узлаштиришларида ва тегишли хулосалар чиқаришларида оила ҳам воситачилик вазифасини бажариши лозим. Оилада бўш вақтни самарали ташкил этиш оиланинг асосий вазифаларидан биридир. Бўш вақт жамиятнинг муҳим ижтимоий қадриятлардан биридир. Оилада бўш вақтни фаол ташкил этиш, яъни китобхонлик, меҳнат, шунингдек музей, кино, театр, концерт, тарихий обидаларга, қадамжоларга саёҳатлар уюштириш ва бошқалар-оила баркамоллигини таъминлашнинг муҳим воситасидир.

Ота-оналар вақт топиб, болалари билан суҳбат қилиб туришлари, уларга эртак ва ҳикоялар айтиб беришлари ката аҳамиятга эга. Масалан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ёшлик чоғида унинг онаси Хосият опа эртак, матал, ҳикоялар айтиб берган. У онасининг эртакларини завқ-шавқ

билан тинглар онаси ашула айтганда эса кичкина Ҳамза дарров ўйинни йиғиштириб, кулоқ солар экан.

Оиладаги ўзаро муносабатларда ва турмушда гўзаликка эътибор бериш ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Агар ота-она ва оиладаги катталар ўзаро муносабатларида гўзаликка эътибор берсалар, оила муомаласида аҳиллик, самимият, ҳурмат бўлса, шу оилада тарбияланаётган фарзандлар ҳулқида юқоридаги каби ахлоқий фазилатлар таркиб топиб боради. Демак, оиладаги эстетик тарбия ота-оналар ва бошқа катта кишиларнинг ўзаро тўғри муносабатидан бошланиши керак.

Болалар катталарнинг юриш-туришларини, муомаласини, қўшнилари, ўрмоқлари билан қандай гаплашишларини кузатадилар. Шунинг учун ёш болалар олдида мақтаниш ёки бошқаларни ғийбат қилиш мутлақо ёмон одат бўлиб, болаларга салбий таъсир кўрсатади.

Агар боланинг отаси ёки онаси бошқаларга нисбатан қўпол, бадфеъл бўлса, сержаҳл бўлса, арзимаган нарсалар устида ғавғо кўтарса, ўз боласининг асабини бузади, бу ҳол боланинг психинасига ёмон таъсир этади. Бундай шароитда эстетик тарбияга ўрин қолмайди. Болаларни эстетик ҳислари баркамол кишилар қилиб вояга етказиш учун оиладаги катталар ўзлари эстетика талабларига тўла амал қиладиган кишилар бўлишлари лозим.

Оилада болаларни саранжон-сарихталикка, озодаликка ўргатиш, ўз буюмларини, кийим-кечакларини эҳтиёт қилишга одатлантириш уларда интизом тарбиялайди.

Атоқли педагоглар турмушда камтарлик, оддийлик кишининг яхши сифати эканлигини таъкидлаб кўрсатганлар. Хоналарни ортиқча безатишни камтарлик деб бўлмайди, хоналарни ортиқча безатиш болада гўзалликка нисбатан нотўғри тасаввур тарбиялайди.

Шуни таъкидлаш лозим-ки, бола ота-онанинг ва катталарнинг кийим-кечагини, феъл-атворини синчковлик билан кузатади. Шунинг учун нота-оналар болаларнинг бу хусусиятига бефарқ қарамасликлари керак.

Оилада ота-оналар болани ҳозирги замон талабига мувофиқ, сода, лекин чиройли кийинишига аҳамият беришлари керак. болаларнинг ўз кийимларини озода тутишга, саранжом бўлишга ўргатиш эстетик тарбиянинг муҳим талабидир. Демак, болани эстетик жиҳатдан тарбиялаш учун оилада ўзаро тўғри муносабат ўргатиш, саранжомлик ва озодалик қарор топиши, маданий кийиниши-турмушдаги гўзалликка замин ҳозирлайди.

Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи қанчалик маъсулиятли бўлса, фарзанднинг ҳам улар олдидаги бурчи шунчадир муҳимдир.

Ота-онани ҳурмат қилиш, уларни ҳеч қачон дилини ранжитмаслик, итоатли бўлиш, кесайишганда моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар қурган оила деб аталмиш қалъанинг ахлоқий-маънавий пойдеворини мустаҳкам сақлаш, анъаналарни доимий давомчилари бўлиш, уларнинг дўстлари, ёру биродарларнинг ҳам иззат-ҳурматларини доимо қадрлаш ва ед этиш-фарзанднинг бурчи.

Ота-она олдидаги ўз вазифа ва амаллари бўлиб, уларга тўлиқ амал қилган эр-хотин аҳил-инок, бахтли турмуш кечиради. Оилада ота-онанинг вазифаси ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари ўртасидаги муносабатларини самимий бўлишни, турли низоларни бартараф этиш ёки олдини олиш чора-тадбирларини белгилайди. «Онангни бир қўлингда, хотинингни эса иккинчи қўлингда кўтаргин», деган нурҳикмат мақолнинг мазмунида ҳам эркак кишининг ота-она ва хотинга муносабатда бир хилда бўлиши лозимлигига ишора этилади.

Ота – оиланинг моддий таъминотчиси, эрнинг топганини исроф қилмасдан, режали, тежаб сарфлаш хотиннинг вазифасидир.

Оилада отанинг ҳаллоллиги, ростгўйлиги, адолатлилиги, тажбиркорлиги, бола тарбиясида қаттиққуллиги эса бу оилада тартиб-интизом мезонидир. Оилани моддий томондан таъминлайдиган эркакларнинг хотини, фарзандлари, ҳатто қайнота-қайнонаси олдида ҳам обрў-эътибори паст бўлади. Баъзи оилаларда хотин кишининг барча

масалаларда «овози»нинг баландлигига сабаб ҳам унинг топарман-тутарманлигидандир. Лекин, оилани моддий барқарор қиламан деб, турли ёмон йўлларга кирган аёллар ҳам онда-сонда бўлсада учраб туради. Бундай аёл эрп шаънини топташди, муқаддас оилага хиёнат, фарзандлар бошини эса ҳам қилади, авлод-аждодларига иснод келтиради. Шунинг учун оилани моддий таъминоти эркак зиммасига бўлмоғи зарур.

Оила боқаётган отани кўрган ўғил келгусида ўзи мустақил оила тебратишга, ота топиб-тутиб келган нарсаларни саранжом-саришта қилиб, тежаб-тергаб сарфлаётган онани кўрган қиз эса келгусида бир оилани аёл сифатида бахтли қилишга тайёр бўлиб борадилар. Отадаги ишбилармонлик, тадбиркорлик, муомала маданияти, босиқлик, талабчанлик, кўп ҳунарлилик, ҳалоллик, адолатпарварлик, оиласига, хотинига нисбатан садоқат шу оилада ўсаётган фарзанд учун ҳаёт мактаби, намуна мактабидир. Оилада онанинг роли отаникидан кам эмас. Халқимиз «Эркак киши бош бўлса, хотин киши бўйин» деб бежиз айтмаган.

Оилада ота-онанинг биргаликдаги ўзаро муҳаббати асосида қурилган оилани муқаддас сақлаш, уни моддий ва маънавий барқарорлигини таъминлашда ҳамкор ва ҳамфикр бўлиш асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Оиладаги маънавий соғлом муҳитни яратиш ҳам ота, ҳам онага боғлиқ. Баъзан жаҳл чиққанда бир-бирини тушуниш ва эъзозлаш, бир-бирига ишонч, меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш, фарзанд тарбиясида бир хилда маъсуллик ота-онанинг оила олдидаги бурчидир.

Фарзанд олдидаги бурчини тўлиқ адо этиш ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Фарзандни соғлом дунёга келтириш, унга чиройли исм қўйиш, тарбия бериш, илм ўргатиш, касб-ҳунарли қилиш, балоғатга етганда уйлантириш ёки турмушга бериш, ҳаётда тўғри йўл кўрсатиш шулар жумласидандир. Юсуф Товаслий шундай дейди: Фарзанднинг ота-онасида ушбу ҳақлар бор:

1. Уйланиш вақти келганда фарзандни уйлантириш яъни ақлли, ифбатли, ор-номусли қизга уйлантириш. Бунинг акси бўлса, фарзандга ёмонлик қилган бўлади. Чунки ота-онанинг ёмон феъли болага ҳам ўтади. Шунинг учун номус аҳлидан бирини топиш ота-онанинг бурчидир.

2. Фарзанд туғилгач, унга яхши исм қўйиш: Алишер Навоий оилада фарзанд тарбияси ҳақида фикр баён этар экан, ота-она – фарзанд олдидаги бурчини шундай изоҳлайди. Ёш болага нисбатан энг зарур иш, балки уни кичкиналигидан парвариш қилишдир. Қатрани садаф тарбия қилгани учун одамларнинг бошига чиқиб шараф топди.

Оилада бола тарбиясининг ўзига хос қоидалари мавжуд бўлиб ота-оналар улардан ўринли фойдаланишлари лозим. хусусан, улар қуйидагича:

1. оилада ҳиссий маслик, руҳий хотиржамлик ва илиқ иқлим яратиш.
2. ота-она обрўсини сақлаш.
3. тарбияда ота-она, катталар ўртасида талабчанлик бирлиги.
4. бола шахсини меҳнатда тарбиялаш.
5. оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги.
6. болани севиш ва иззат қилиш.
7. оилада қатъий режим ва кун тартиби ўрнатиш.
8. тарбияда болаларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.
9. бола тараққиётини аниқлаб бериш.
10. болада мустақиллик, ташаббускорлик сифатларини ҳосил этиш ва бошқалар.

Оилада бола тарбияси иккиёқлама аҳамият касб этиб, фақат фарзандларга руҳият ва маънавият билимидан сабоқ бериш билан қаноатланиб қолмасдан балки ўзлари ҳам тарбия сеҳрлари, хусусиятлари, ҳолатлари моҳияти ва маъноси юзасидан янги-янги маълумотлардан хабардор бўлиб туришлари керак.

Баъзи ота-онлар фарзандлари билан камроқ мулоқотда бўлиши улардан ўзларини навроқ олиб юриш билан обрў орттиришни уйлашади. Уларнинг назарида, гўё фарзанд билан қанча кам учрашилса, шунча кўпроқ обрў қозониш мумкин. Бу мутлоқо нотўғри тушунча, ота-она ўз фарзанди билан қанча кам мулоқотда бўлса, улар ўртасида беғоналашиш, лоқайд бўлиш ҳолатлари келиб чиқади.

Айрим ота-оналар бола билан фақат расмиятчилик орқали обрў орттиришга ҳаракат қилишади, холос. Бунда улар қилдан қийик қидиришади. Болага танбеҳ беришади, унинг барча ҳатти ҳаракатларини чеклаб қўйишади, булар бўлмасга жеркиб, силтаб ташлашади.

Кузатишларимизга кўра, фарзандларга ортикча панд-насихат қилавериш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунончи, баъзи ота-оналар арзимаган майда-чуйда масалабўйича ҳам узундан-узок угит-насихат қиладилар, ўзларининг насихатгўйлигини бурч деб ҳисоблайдилар. Майдагаплик, эзмалик билан ўғил-қизлар ўртасида обрў қозониб бўлмайди.

Ўзбек оиласида бола тарбияси ҳақида гапирганда, кейинги авлодларга бой мерос қолдирган Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирларини эслаш муҳимдир. Улар ҳозирги кунларимизда ҳам ўз аҳмиятини йўқотмаган тарбия, шахсни камол топтириш, оилада болани тарбиялашнинг йўллари ҳақида қимматли фикрларни баён этганлар.

Бир йигит Ибн Синодан «Бола тарбиясини қайси» ёшдан бошлаш керак? – деб сўрабди. Ибн Сино: «Ўғлингиз неча ёшда» деб савол берибди ва унинг бир ярим ойлик бўлди, деган жавобини эшитгач «Сиз бир ярим ой кечикибсиз?» - дебди. Бугунги кунда болани ҳақиқатан туғилган кунидан бошлаб тарбиялаш кераклигига ҳеч ким шубҳа қилмайди, бу бизнинг психологларимиз ва педагогларимиз томонидан исботланган.

Абу Али Ибн Сино оилавий тарбиянинг умумий асосларини баён этишга ҳаракат қилган. «Ага оила тарбия усулларида тўғри фойдаланса,

- деб ёзган эди олим, - ўз ҳаётида бахтга эришади». Бунинг учун тарбиянинг тўғри методлари баён этилган «Тадбири манзил» китобида акс этган.

Ибн Сино оилада болани тарбиялаш, аҳволдан қатъи назар, отанининг асосий бурчи деб ҳисобланган, ўз қусурларини бартараф қилган кишигина бошқаларни тарбиялаши мумкинлигини таъкифлаган. Ибн Сино болани тарбиялаш омилларини таҳлил қилиб, улардан энг тўғриси – болалар билан бирга бўлиш ва ижобий мисоллардан фойдаланиб, алоҳида-алоҳида суҳбатлашиш, унинг иззат нафсига тегмаслик, деб ўқтирган. Ибн Сино тарбияда отанинг ролини ифодалашга ката аҳамият берган. «Рўзғоршунослик» китобида «Отанинг болаларга муносабати» деган боб бор. Унда олим жумладан: «Оналар ўз табиатларига кўра юмшоқ кўнгилдирлар ва ўзларининг эркалашлари билан боланинг характерини бузадилар», - дейди. Ибн Синонинг фикрича, оилада асосий тарбиячи ота бўлиши, у мақсадга эришмоқ учун болани баъзан жазолаши, баъзан рағбатлантириш, вақти-вақти билан мақташи, баъзан танбех бериш, вақтида қўрқитиб қўйиш, ҳатто жисмоний жазолаши лозим.

Оилада бола тарбияси тўғрисида Алишер Навоий ажойиб фикрлари бор. Навоийнинг фикрига кўра, энг муҳими болаларни севиш, «Болага, деган эди улуғ шоир, - кичиклигидан бошлаб ёшини ҳисобга олган ҳолда ахлоқий тарбия бермоқ зарур». таниқли шоир ва педагог Абдулла Авланий оилада болалар тарбияси тўғрисида муҳим аҳамиятга эга бўлган ажойиб фикрларни баён қилган. Ўзининг «Яшнаган ўлка ва ахлоқ» деган китобида ёзганидек, боланинг соғлиғи ва бахти аввало унинг яхши тарбияланишига, баданининг тозаллигига, эътиқод ҳосил қилишига, яхши хулққа эга бўлишига, уни ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлардан огоҳлантирилишига боғлиқ. Болани тарбиялашни туғилган куниданоқ бошлаш зарурлиги қуёшдай равшан ва аниқ, унинг организмни мустаҳкамлаш, ақлий қобилиятини донишмандлик нури билан ёритиш, уни ахлоқий камол топтириш, хотирасини машқлантириш керак.

Бола тарбияси билан биринчи навбатда ота-оналар шуғулланиши лозим. «Болаларни тарбиялаш – онанинг бурчи ва отанинг муқаддас мажбурияти». Машҳур педагог Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий оила тарбияси масаласини, ота-оналар билан болалар ўртасидаги ўзаро муносабат масаласини янгича таҳлил қилди. У биринчи навбатда тан жазосини қўллашга қарши чиқди, унинг фикрича, тан жазоси бола руҳини разил ёки ёвуз ва қайсар қилиб қўяди. Ҳамза оила тарбиясида болалар билан кўпроқ боғланган оналарнинг ролини ёритишга ката аҳамият беради. Она ўз боласига меҳр-муҳаббат ва моҳирлик билан таъсир кўрсатиб бориши зурурлигини ўқтиради. Болалар ва ёшларга ишонтириш воситаси билан бурч туйғусини сингдириш лозим, деб ҳисоблайди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ота-оналарнинг болани тарбиялашдаги ролини юқори баҳолаб, «аввало уларнинг хулқи намунали, қусурсиз бўлмоғи, улар юксак ахлоқий сифатларга эгша бўлишлари зарур», - деган, фарзандларни тарбиялаш билан шуғулланмайдиган ҳамда ўзларининг номуносиб хулқлари билан уларнинг ахлоқий ривожланишларига салбий таъсир кўрсатадиган ота-оналарни кескин танқид қилган эди. У ўз фарзандларини тарбияламай, уларни фақат моддий таъсинланиши тўғрисида ғамхўрлик қиладиган ота-оналарга қаттиқ танбеҳ берар эди. Ҳамза «Ўз болаларни ёмон тарбиялаган онанинг жазоси» ҳикоясида болаларни ёмон тарбиялашнинг фожиавий оқибатини тасвирлайди. Унда ўғлининг ўғрилиқ қилишдан кўз-юмган, аксинча, уни бу ишга рағбатлантирган, ўғли қўлга тушиб, осишга ҳукм қилинган онанинг аянчли аҳволи баён қилинган. Ҳамза ўз ҳикоясини «Агар фарзанд ёмон бўлса, бунга ота-оналар сабабчи», - деган сўзларни айтган.

Ҳамзанинг таъкидлашича, ахлоқий пойдевори оилада қўйилади ва ота-оналар бунинг учун жавобгардир. «Агар, - дейди Ҳамза, - ота-оналар ўз фарзандларини илк ёшидан бошлаб яхши тарбия қилганларида эди – забонларимизни ёлғондан, қўлларимизни жиноятдан тийган,

қулоқларимизни тухмат ва ғийбатдан асраган, улар бизни ҳар қандай ёмонлик ва бахтсизликдан сақлаган бўлур эдилар».

Истиқлол ва озодлик учун курашган жаҳид зиёлиларидан бири, шоир аллома Абдурауф Фитрат ҳам жамият ривожини ва миллат тақдирини оила тақдирини билан, уларнинг мустаҳкам ва фаровон бўлиши билан боғлиқлигини ўз асарларида қайта-қайта таъкидлайди. «Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса, шу миллат оилаларининг интизосига таянади. Қаерда оила муносабатлари кучли интизомга таянса мамлакат ва миллат ҳам мунча кучли ва муаззам бўлади», - деб ёзади Фитрат.

Абдурауф Фитрат Шарқ ва Ғарб олимларининг асарларини ўрганиб, 1914 йилда «Оила ёки оила бошқариш тартиби» номли оила масаласидаги мукамал йўриқномани яратадики, у ҳозирги кунимиз учун ҳам ўта долзарб ва аҳмиятлидир.

Фитрат турмуш қуриш ёши, ҳомиладорлик ва ҳомиладор аёлларга муносабат ҳақида тиббиёт нуқтаи-назардан келиб чиқиб фикр юритади. У бола тарбиясини она қорнидалигидаёқ бошлашни маслаҳат беради: Она қорнида бола пайдо бўлганидан сўнг унинг ҳаёт-мамоти ота-онага боғлиқ. Шунинг учун ҳам улар боланинг нобуд бўлишига олиб келадиган ишларни қилмасликлари шарт. Масалан, ҳомиладорликнинг иккинчи ойидан тўртинчи ойигача кўп оналар бола туширадилар. Бунинг сабаблари кўрқув, камқувватлик, оғир ишларни бажариш ва кўп қайғуриш бўлади.

Ҳомиладор аёлнинг гигиенаси, унинг тоза-баҳаво жойларда дам олиш, истеъмол қилиши лозим бўлган таомлари ҳақида ҳам муҳим кўрсатмалар берилади.

Абдурауф Фитратнинг оила ва оилавий муносабатларга оид айрим фикрларигина келтирдик. Унинг фарзанд тарбияси тўғрисидаги фикрлари

ҳозирги кунимиз учун ҳам долзарб бўлиб, уларнинг барча ижобий ва ибратли томонларини ҳаётимизда қўллашимиз мумкин.

Ота-оналар болаларнинг келажагини ўйлаб, уларни илк ёшларидан меҳнатга солиб чиниқтириб борадилар. Тўғри тарбиянинг энг таъсирли, энг самарали усули ҳам шу меҳнатдир. Ота-оналар болаларининг меҳнатига ҳамма вақт ҳам муҳтож бўлавермайдилар, лекин болани ёшлигидан ишга ўргатиш, меҳнатга кўниктириш зиммаларидаги бурч эканлигидан шундай йўл тутадилар.

Маълумки, ҳар бир оиланинг ўз хўжалиги бўлади ва у ўз хўжалигини соф, ҳалол меҳнати билан қуради, бу хўжалик даромади оила аъзоларининг қандайдир доимий фойда олиб туришлари орқасидан эмас, балки иш ҳақининг ошуви ва оила ҳаражатларидан орттириб, тежаб қолиш туфайли кўпаяди.

Биздаги оила хўжалиги рўзгор учун керакли бўлган буюмлардан, Аше ва жиҳозлардан иборатдир. Оила давлатманд бўлса, бу ҳол оила аъзолари яхши ва бахтли ҳаёт кечираётганини, истеъмол буюмларини кўпроқ харид қилаётганини, ўз эҳтиёжларини кўпроқ қаноатлантираётганини билдиради.

Ҳар бир оила хўжалигини тузатиб олиш йўли билан ўз турмушини яхшилашга ўринади. Оиланинг давлатманд бўлиши кўпроқ бутун мамалакат эришган муваффақиятларга, унинг иқтисодиёт ва маданият соҳасидаги ютуқларига боғлиқ бўлади. Оилада болаларни тежамкорлик руҳида тарбиялашга қанчалик кўп эътибор берилса, улар халққа ҳам, ота-оналарига ҳам, ўзларига ҳам шунча кўп фойда етказадилар.

Ҳар бир бола оиланинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Демак у оила хўжалигининг иштирокчисидир. Шу билан бирга, биз болаларимизни фақат оила хўжалигини ҳам тежаб-тергаб юритадиган садоқатли фуқаролар қилиб тарбия қилмоғимиз лозим.

Барча ота-оналар бундай тарбия мақсадлари тўғрисида ўзларида равшан тушунча ҳосил қилиб, бу билан ўз тарбия йўсинларини доимий ишга солиб ва текшириб боришлари зарур.

Оилада болани тозалikka, тартибликка, гўзаликни севишга ўргатиш керак. Бунинг учун аввало уйдаги барча буюмлар дид билан танлаб, жойлаштирилган, тоза, саранжом-саришта бўлгани маъқул. Чунки болага икки хил нарса кўпроқ таъсир қилади. Биринчиси боланинг кўзига тез-тез ташланадиган буюмлар, одамлар ўртасидаги муносабат бўлса, иккинчиси боланинг ўзига бевосита тегишли бўлган нарсалар кийим-кечак, идиш-товоқлар, китоблар, ўйинчоқлар, ёзув стол ива бошқалардир. Бола ўз буюмларини асраб, авайлаб, тоза-озода, саранжом-саришта қилиб юришга ўрганса, у ёши улғайган сайин гўзалликнинг мураккаб кўринишларини табиатдаги уйғунликни санъатдаги гўзалликни пайқаб олиш учун тайёрлана боради.

Нафосат тарбиясининг аълоси оиладан бошланади, гўдаклик давридан вақтида овқатланиш, ухлаш тартибга риоя этиш, уйда озодалик, саранжом-саришталик оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, қадр-қиммат бола қалбила ўчмас из қолдиради. Бола олдида беҳаё сўзларни айтиш, бачкана қилиқ, ҳатти-ҳаракатлар қилиш бола тарбиясига ёмон таъсир этади. нафосат тарбияси орқали овқат пишириш, дастурхон атрофида ўтириб овқатланиш жараёнидаги азалий шарқона одат, одоб қаоидаларига амал қилиш ўргатилади. Оила гўзаллик тарбиясининг биринчи ўчоғи бўлса, ундан кейин мактаб, ўқитувчи тарбияси ўғити, жамоатчилик, катталар таъсири таълим-тарбияда муҳим ўрин тутди. Ана шу жараёнда боланинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати кузатиб борилиши, хатолари сабр-чидам, ўрни, ётиғи билан тузатиб турилиши лозим.

Нафосат тарбияси орқали ўз-ўзини бошқариш шаклланади. Бу ўз-ўзига аста-секин талабчанликни келтириб чиқаради. Ўз-ўзини тергаш, ўзини мустақил, онгли, оқилона бошқариш, ўз хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатига баҳо бера билиш кўникмаларини эгаллаш демакдир.

Комил инсонни шакллантиришда мактабда, оилади, соғлом маънавий муҳит барқарор бўлишига эришиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки соғлом муҳит натижасидагина ахлоқий фазилатлар таркиб топади.

Ота-оналар ўз фарзандларини комил инсонлар қилиб тарбиялаши уларда Ватанга муҳаббат, меҳнати ва фидойилиги билан ўзгаларга фойда келтириш садоқат, самимийлик каби хислатларни камол топтиришга хизмат қилади. Фарзандларимизнинг бундай инсонлар бўлишида оиланинг тотувлиги, ота-онанинг ўзаро меҳр-муҳаббати ҳам самарали таъсир этади.

Ўтмишнинг улуғ алломаларининг ахлоқ ҳақидаги кўплаб чиқр-мулоҳазалари бугунги кунда ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятини йўотган эмас.

Жумладан, қомусий омил Ал-Фаробий ахлоқий фазилатлар ҳақида гапирар экан, унинг хислатлари ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради:

1. Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукамал тараққий этган бўлиши керакки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларни осонлик билан амалга ошира олсин.

2. Овқатланишда, ичимлик истеъмол этишда очкўз бўлмаслик, табиати қимор ўйинларини ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин.

3. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларни севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин.

4. Ғурури ва виждонини қадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олижаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин.

5. Дирҳам, динор ваш у каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин.

6. Ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга, адолатсизликка, жабр зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин.

7. Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин. . .

«Тарбия икки негизга – ахлоқ ва оқилликка таянмоғи лозим. Биринчиси яхши фазилатни устирса, иккинчиси ўзгалар иллатидан ҳимоя қилади. Демак, тарбия ҳам ахлоққа, ҳам инсоний муносабатларга асрлар оша халқ тажрибасида синовдан ўтиб, ўзининг умрбоқийлигини исботлаган қадриятларга, анъана ва урф-одатларга боғлансагина кузатилган натижага олиб келади».

Соғлом авлод деганда биз ҳам жисмоний, ҳам маънавий томондан етук, бардам, ҳар ишга қодир, илғор маданиятли кишиларни кўзда тутамиз. Шундай ноёб фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказётган халқ келажакка очиқ кўз, ёруғ юз, ката ишонч билан қарайди.

Машҳур Юнон донишманди Афлотун бахт ҳақида зикр этиб: «Инсон учун биринчи бахт унинг соғлиғи, иккинчиси - гўзалликдир» деган экан. Чиндан ҳам сиҳат-саломатлик ҳамма бойликлар манбаидир. Насл-насаби соғлом ва маънавияти юксак халқнинг авлодлари ҳам соғлом бақувват, иймон-эътиқодли ва садоқатли бўладик, бу бахт ота-Ватаннинг шуҳрати ва қудратининг зўр омилига айланади. Оиланинг анна шундай бахт саодати учун соғлом авлод керак.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан Фаробий, Абу Али Ибн Синолар ҳам инсон тарбиясига таъсир этадиган омиллар аҳмиятига эътибор бериб келганлар.

Фаробий инсон камолотида таълим-тарбиянинг муҳимлигини таъкидлаб: «Муносиб инсон» бўлиши учун одамда икки имконият: таълим ва тарбия омили имконияти бор. Таълим омили орқали назарий камолотга эришилди, тарбия эса, бу кишилар билан мулоқотда ахлоқий кадр-қимматни ва амалий фаолиятни яратишга олиб борадиган йўлдир». . дейди.

Оиланинг асосий ижтимоий, маънавий, ахлоқий вазифаларини қисқача таҳлил қилиб кўрсак, болада шаклланадиган барча ҳиссий, руҳий туйғулар: меҳрибонлик, оқибатлилик, ўзига ва атроф табиатга нисбатан

маъсулиятлилик куртаклари оилада намоён бўла бошлайди. Президентимиз И.А.Каримов: «Бола буғилган кундан бошлаб оила муҳотида яшайди. Оилага хос анъанлар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, хис этади», - деб ўқтиради. Оила ўз вазифасини лозим даражада амалга ошириши учун унга тегишлича маърифий-методик қуроллантириш, ижтимоий, маънавий, тадбирларни ўтказиш йўли билан унга ёрдам бериб бориш зарур.

Ота-она болага бериладиган экологик таълим ва тарбия мазмуни билан турли каналлар орқали маълумот олади. Бирининг олган маълумотлари бойроқ, бириники эса камбағалроқ бўлади. Шунга кўра ҳам оиланинг экологик муаммолардан атрофлича боҳабар бўлиб туриши ўз вақтида мақбул тарбиявий чора тадбирларни амалга ошириш сари ундовчи муҳим ва қудратли омил саналади. Ота-оналарнинг болаларда атроф муҳитга маъсулиятли муносабатни намоён этиш борасида ибрат бўлишлари лозим.

1.2. ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Бола шахсининг ривожланишига ирсият, мухит ва тарбия каби омиллар таъсир этади. Бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири деганда ота-оналарга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларни такрорланишини тушунмоқ керак. Ҳар бир бола ота-онасидан мерос шаклида баъзи биологик сифатларга (тананинг тузилиши, сочининг, кўзининг, терисининг ранги, бўйи баста ва бошқалар) эга бўлган ҳолда дунёга келади. Булар жисмоний хусусиятлардир. Олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ҳам туғма ўтади. Бу физиологик хусусият ҳисобланади.

Академик И.П.Павловнинг таълимотига кўра, бола бир қатор туғма хусусият ва инстинктларга эга ҳолда туғилади ва булар шартсиз рефлекслар группасини ташкил этади. Булар орасида ошқозон рефлекси (сўлак ажратиш), муҳофаза рефлексии (иссиқдан қўлни тортиш, ёруғдан кўзини қисиш, кабилар алоҳида аҳамият касб этади. Аммо бу хусусиятлар инсонга ҳам, ҳайвонга ҳам тааллуқлидир. Айни вақтда инсонларга хос бўлган хусусиятлар ҳам ирсият йўли билан ўтади. Масалан, танани вертикал ҳолдаги ҳаракати, тафаккур ва нутқ ривожланиши, меҳнат қилиш қобилияти – булар туғма имкониятлар бўлиб, уларнинг ривожланиши учун инсон боласи одамлар орасида яшаб, улар билан алоқа қилиш даркор. Бу психик имкониятларнинг чиндан ҳам ривожланмоғи, рўёбга чиқмоғи учун бола фақат ўсибгина қолмай, балки шу ўсиш жараёнида, инсонлар орасида яшамоғи, улғаймоғи ва ижтимоий ҳаётда иштирок этмоғи керак. Чунки инсон биологик мавжудот сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудот ривожланади ва камолга етади.

Оилада бола нутқни эгаллаши учун нутқ шароитида, меҳнат қилиш учун меҳнат шароитида, ақлий тараққий этмоғи учун ақлий фаолият шароитида яшамоғи керак. Ана ўшанда боланинг нимага, қандай соҳага лаёқати борлиги намоён бўлади. физиологик ва психология фанининг кўрсатилишича инсон боласи тайёр қобилият билан эмас, балки бирор хил

қобилиятни рўёбга чиқиши ва ривожланишига таъсир этадиган потенциал имкониятлар, яъни шахс хусусиятини ифодаладиган лаёқат билан туғилади. Туғма лаёқат ўз ҳолича ривожлана олмайди, гўё у «мудроқ» ҳолатда бўлиб, унинг уйғониши ривожланиши учун қулай муҳит керак.

Агар бола ўз лаёқатига мос шароитда ўсиб зарур фаолият билан шуғулланса, лаёқат эрта кўриниб, ривожланиши, аксинча бу бўлмаса йўқ бўлиб, кетиши мумкин.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш муаммоси инсоният олдида турган энг муҳим муаммолардан биридир. У ўзида жисмонан соғлом, ақлан баркамол янги авлодни вояга етказишни, кишиларнинг меҳнат қилиши, дам олишини ва ижтимоий фаолият кўрсатишини тўғри ташкил этишни, оқилона ҳаёт кечириши мужассамлаштиради.

Шунинг учун соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва табиий-гигиеник, маънавий жиҳатларни ҳар томонлама ўрганиш, вужудга келган ҳақиқий аҳволни ҳисобга олиб тадқиқ этиш давр талабидир. Ўзбекистон аҳолисининг ҳаёт тарзини оиладан ташқарида тасаввур қила олмаймиз, шунинг учун соғлом турмуш тарзини шакллантириш бевосита оилага, оилавий ҳаёт тарзига, «оила-табиат-жамият-инсон» тизимига боғлиқдир.

Зеро, соғлом турмуш тарзи ва оиланинг фаровонлиги иқтисодиё ва маънавий омиллар билан белгиланганда эди, у вақтда аҳолининг моддий фаровонлиги ошган сайин, соғлиқни сақлаш, уй-жой билан таъминлаш масаласи тўла ҳал этилганда соғлом турмуш тарзининг барқарорлигини белгиловчи барча ўз-ўзидан ҳал бўлган ва жамият учун номақбул бўлган ҳодисалар ҳам йўқ бўлиб кетган бўлар эди.

Мустақиллик шароитида оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш оилаларнинг маънавий-руҳий тикланиши ва покланиши муаммоларига ҳам алоҳида аҳамият беришни тақозо этади. Чунки маънавиятнинг юксаклиги оилада соғлом турмуш тарзини

шакллантиришда умуминсоний ва миллий тажрибалардан фойдаланиб маданий ҳаёт кечиришни, бу соҳада меъёрга риоя этишни талаб қилади.

Шунингдек, соғлом турмуш тарзининг шаклланишига шўролар давридаги оила-никоҳ муносабатлари, экологик, демографик, руҳий оқибатлар ваш у кабилар ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Жумладан, шўролар даврида ўзга мафкура таъсирида кириб келган гиёхвандлик, ичкиликбозлик, ота-оналарнинг ахлоқий-маънавий бузуқлиги натижасида носоғлом ҳаёт кечираётган оилалар ҳозир ҳам топилади. Бундай оилада тарбияланаётган фарзандларнинг келажаги қандай бўлади деган савол соғлом фикрли жамоани ташвишлантирмай қўймайди.

Оилада соғлом муҳит-турмуш тарзини барқарорлаштириш, фарзандларни баркамол этиб тарбиялаш, оиланинг тарбиявий ва ижтимоий ролини бажаришда фуқаролий маъсулиятини ошириш лозим. Оилани, оналар ва болаларни муҳофаза этишнинг кучли ижтимоий тизимини яратиш ва амалга ошириш зарур.

1. Уй шароити соғлом фарзандларни тарбиялаб вояга етказишнинг энг асосий ижтимоий омилдир. Киши бошига 9 м² ва ундан кўпроқ яшаш майдонига эга бўлган оилалардаги болалар соғломлиги 5 м² яшаш майдони тўғри келадиган оилаларга нисбатан 7-8 баробар юқоридир. Бундай шароит қишлоқларда 48-50 фоизни ташкил этади. Оилаларда болалар учун энг яхши шароит яратилиши тарғиб этишга аҳмият бериш лозим.

2. Оилада соғлом фарзандларни вояга етказишда оила бюджетини тўғри тақсимлаш ва оиладаги болаларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ката аҳмиятга эга. Оиланинг моддий фаровонлиги болалар соғлиғи ва уларнинг соғлом турмуш тарзида ўз аксини топади.

3. Овқатланиш соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим омилдир. Овқатланиш бизнинг ҳудудимиз шароитида ғоят ката ўрин

тутади. Чунки витаминлар етишмайдиган, кимёвий таркиби паст, сифатсиз овқатларни истеъмол қилиш, уларнинг миқдори жиҳатидан ҳам номуносиблиги аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

4. Жисмоний тарбия билан шуғулланиш кишиларни, айниқса ёш авлодни соғлом баркамол бўлиб вочга етишига, саломатлигини мустаҳкам, руҳиятини яхшилашга олиб келишидан ташқари, кишиларда ҳаётда тўлароқ ва фаолроқ иштирок этишга, ўзларининг бўш вақтидан унумли, яхши фойлана билишига ҳам имкон беради, ижтимоий фаолликнинг бошқа шакллари ривожланиб боришига ижобий таъсир кўрсатади.

Оилада соғлом турмуш тарзини республикамиз матбуотида, радио-телевидениеда кенг тарғиб этиш, оммабоп рисола ва китоблар орқали тушунтириш, аҳоли орасида, айниқса, қишлоқ жойларда давра суҳбатлари, маърузалар, илмий-омалий анжуманлар ўтказиш орқали шакллантириш мумкин.

1. Оилавий муносабатлар маданияти такомиллашган оилалардагина соғлом турмуш тарзини шакллантиришга имконият туғилади. Соғлом турмуш тарзи жисмонан соғлом ақлан баркамол янги авлодни шакллантиришни, меҳнат қилиш, дам олиш ва ижтимоий фаолият кўрсатишга ёрдам берувчи оқилона ҳаёт тарзини ташкил этишни ифодалайди.

2. Соғлом турмуш тарзи аҳолининг фаровонлик даражасини ошириш, соғлиқни сақлаш ва маиший хизматни яхшилаш, демографик жараёнларни мақбул ҳолатга келтириш, омманинг маънавий маданияти, онглилиги, ахлоқий жиҳатдан тарбияланганлигини ўсиб бори шва ижтимоий меҳнатдаги фаоллиги билан белгилади.

3. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш уй-жой шароитини яхшилаш, оила бюджетини тўғри тақсимлашни, тўғри ва сифатли овқатланишни, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик, чекишни қатъиян манн этишни, мунтазам равишда жисмоний тарбия билан шуғулланишни,

санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя қилишни, маънавий бой, соғлом интиллигуал эгаси бўлишни талаб қилади.

4. Оилани моддий имкониятларини яратиш, ота-оналарнинг онглилиги, маънавиятини бойитиш соғлом турмуш тарзини шакллантириш имкониятини туғдиради. Соғлом турмуш тарзи эса фарзандларни жисмонан соғлом, маънан бой қилиб ўстиришга имконият яратади.

Бошқа халқлар қатори ўзбек оилалари ҳам миллий тарбия анъаналарига бой. Уларни тиклаб, бойитиб, замонавийлаштириб, мактаб тарбияси билан уйғунлаштириш нафақат ҳар бир оила, балки бутун Ўзбекистон ижтимоий-маънавий ҳаётини бойитишга хизмат қилади. Мустақил Ўзбекистон Конституциясида ота-онанинг бола тарбияси учун давлат олдидаги жавобгарликларининг қайд қилиниши, Президент И.Каримов томонидан 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши ота-оналар, маҳаллар олдига қатор янги, миллий истиқлолий талабларни қўймоқда.

Оила – миллий дунёқараш манбаи сифатида ўқувчиларда миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Тарихда ўғил-қизлар ўз ота-оналаридан ўзлаштирган дунёқарашни синтез қилиб, ўз оилавий дунёқарашларига айлантирганлар. Бу фарзандларининг миллий дунёқарашларига шакл, мазмун бериб, мерос тарзида ўтиб келди. Дунёқарашнинг бирлиги – миллийлиги туфайли авлодлар орасида ҳамфикрлик, ўзаро ишонч, иззат, мақсад, бирлиги, самимийлик тантана қилар эди.

Оила ўғил-қизларда миллий феъл-атвор, ҳусни хулқ тарбияси манбаи бўлиб келди. Ота-оналар ҳар куни, ҳар соатда ўзлари билиб-билмаган ҳолда тарбиявий таъсир кўрсатиб, болаларига ҳатти-ҳаракатлар, юриш-туриш, сўзлаш, кулиш, овқат ейиш, ювиниш, муомала қилиш, мезбон ва меҳмон муносабати меъёрларини сингдириб келмоқдалар. Айниқса, ўғилни-оталикка, қизни-оналикка, уй бекалигига тайёрлаш

миллий тарбиядаги икки йўналиш-ўғил ва қиз болалар тарбияси мавжудлигини кўрсатади. Мактабда ҳам анна шу хусусият сақланиши ва ривожлантирилиши керак.

Ота-она обрўси миллий тарбиянинг асосидир. Айнан шу омил орқали улар фарзандларининг онгига, хулқ-атфориغا маънавий таъсир қиладилар. Ота-она обрўси ўз-ўзидан пайдо бўладиган неъмат эмас. У ота-онанинг бола тарбияси билан махсус шуғулланаётганлиги ёки шуғулланмаётганликлари билан белгиланади.

Собиқ шўро даврининг 80 йилларида оталар томонидан ушбу йўналишдаги тарбиячилик вазифалари кониқарли бажарилмас эди. Ўтказилган тадқиқотлар собиқ иттифоқда ҳар бир 9-боланинг отасизлиги ва умуман оталарнинг фарзанд тарбиясига бир кунда 8 дақиқагина вақт ажратганлигини кўрсатган эди. Ота-она обрўсини уларнинг фарзандлари шахси билан қизиқишлари ўқувчи фарзандларининг ривожлана бораётган эҳтиёжларини ўрганиб, бошқариб, қондириб боришлари оширади.

Олиб борган кузатувларимиз ҳаётда ота-онанинг тарбиячилар сифатидаги обрўларини туширувчи сабаблар мавжудлигини кўрсатди. Булар:

- ота-онанинг ўзларининг болаларининг боқувчилари сифатида англаб, тарбиячи ахлоқсиз турмуш тарзи;

- оилаларда учровчи ахлоқсиз турмуш тарзи;

- ота-онанинг болаларга айтган сўзлари, панд-насихат қилаверишлари, фарзандлар билан асосан буйруқ, ҳукм орқали гапиришлари;

- ота-онанинг ўқувчи фарзандларининг ҳаёти, қизиқишларига эътиборсизликлари, уларга вақт ва диққат ажратмасликлари, ўқувчиларни оила юмушларига жалб қилмаслик (айниқса ўсмирлар ўзларига нисбатан бепарволикдан қаттиқ изтироб чекадилар. Натижада ота-она ва ўсмир орасида совуқ муносабатларининг пайдо бўлишига йўл қўйилади);

- ўқувчи-фарзандлар билан муносабатда уларнинг ёш хусусиятларини билмаслик (бошланғич синф ўқувчилари ота-онанинг қарашларига, феъл-атворларига тақлид қилиб келадилар. Ана шунинг учун ҳам халқимизда уларни «ширин» дейишади. Ўсмирлик даври бошлангая, болада кескин ўзгариш-ўтмиш даври бошланади. Ота-оналар ва болалар орасидаги зиддиятларнинг асосий қисми шу даврга тўғри келишининг боиси ҳам шундадир. Ота-онанинг ўз фарзандларига хос ёш хусусиятларини билмасликларининг оқибати болаларни – ўсмирларнинг ота-онадан (кўпчилик ҳолларда отадан) қалбан узоқлашувига олиб келади);

- ота-онанинг ўзларининг фарзандлари учун ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқада шахсий намуна эканликларини англай билмасликлари;

- ўқувчи-фарзанд тарбияси учун бор маъсулиятни мактабга ташлаб, ўзини соқит қилиш;

- рағбатлантириш ва жазолашда тарбиявий мақсаддан келиб чиқа билмаслик.

- миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантира билмаслик, ҳафсаласизлик;

- тан жазоси билан кўрқитиш;

- ота-онанинг фарзандлар кўз ўнгида жанжал қилиб туришлари;

- унда ошкора ичкиликбозлик қилиниши, беҳаё сўзлар, қарғишлар, сўқинишлар;

- ўз фарзандини «энг яхши» деб ҳисоблаш;

- «биз қийналганмиз, болаларимиз роҳат қилсин» Дея ўқувчи фарзандларини эркалатиб юбориш ясантиришга ҳирс қўйиш ёки бунинг акси – «бола қийналиб ката бўлса, ота-онанинг, меҳнатнинг ҳаётнинг қадрига етади» дея кўр-кўрона қаттиққўллик, зарда қилавериш;

- ўқувчи фарзандига ваъда бериб, бажармаслик;

- мактаб билан таълим – тарбиявий ҳамкорликдан «иш кўп, вақт йўқ» деган баҳона билан ўзини четга олиш;

- ўқувчи болаларни ўз аجدодлари, шажаралари билан таништирмаслик ва ҳоказо.

Бу камчиликларни бартараф қилишда отанинг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Зеро «Отанинг очган йўли бор, онанинг бичган тўни бор». «Отаси борнинг унуми бор, онаси борнинг тикиши бор». «Ота-оламнинг фикри», «Эрта тур, отангни кўр, отангдан сўнг отингни кўр», «Отангни кўрсанг, отдан туш», «Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин», «Ота – болага синчи», «Ўғлингни севсанг, кўлингдек ишлат», «Оталар сўзи хитоб бўлур, ани йиғманг китоб бўлур». . .

Онанинг ўзбек оиласидаги ўрни алоҳида, жипслаштирувчи аҳамиятга эга. Чунки «Онага бўлган муҳаббат-Ватанга бўлган муҳаббатнинг курмаги», «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада», «Онанинг ўғай бўлса, отанинг ўзингники эмас», «Бола-лой, она – кулол», «Бола ҳам она дейди, она ҳам она дейди», «Онанинг яхшилигини бемор бўлсанг биларсан» ва ҳоказо.

Ота-онанинг изчил тарбиячилик меҳнати уларни яхши фарзандларнинг ота-оналари бўлиш шарафига муяссар қилади. «Ўғил-қизларнинг феъл-хулқи яхши ёки ёмон бўлса, унинг сабабчиси отав а онадир». (Ю.Х.Ҳожиб).

Ҳаётда рўй бераётган ижобий ва салбий ҳолатлар, кўнгилисиз воқеалар, кишилар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг сусайиши, шахслараро муносабатларда учраб турадиган руҳий эмоционал зўриқишлар, бахтсиз оилалар сонинг ортиб бориши, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайиб бораётганлиги оиладаги руҳий муҳитга, оила аъзоларининг ўртасидаги шахслараро муносабатларга, оиладаги мураккаб муаммоларга бевосита боғлиқ бўлиб, тўғри йўлга қуйилмаганлиги натижасида юзага келади. Ҳозирги даврнинг тақозоси ҳам оилага хос Ушбу муаммоларни тўғри ҳам қилмай туриб, фозил жамиятга эриша олмасликни эътироф этганлигидан иборатдир.

Оила муаммоларини ўрганишда бугунги куннинг аҳамиятли масалаларидан бири бўлган оилавий муносабатлар ката ўрин эгаллайди. Унинг аҳамиятли томони шундаки, кишининг инсоний фазилати, жисмоний ҳамда руҳий камолоти оила билан боғлиқ бўлган ҳолда, унда кечаётган ўзаро муносабатларнинг таъсири билан шаклланади ва мукамалликка эришишга интилади, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига хос ҳам назарий, ҳам амалий йўл-йўриқларни «қўлга киритиш» имкониятига эга бўлади.

Оилавий муносабатлар одатда оиладаги ота-онанинг роли, эр-хотин муносабатлари, фарзандларнинг ўзаро муносабати ҳамда уларнинг ота-оналарига бўлган муносабатлари, яқин кишилар, қариндошлар билан мулоқот қилиш хусусиятлари назарда тутилади. Ҳамиша унинг инсон тарбиясига бўлган таъсири борасидаги турли масалалари доимо ҳар бир даврнинг диққат марказида бўлиб келган. Масалан, Шарқда, оиланинг эъзозланиши, оилавий муносабатлар, айниқса ҳар бир оила аъзосининг ўзаро мулоқотига жиддий эътироф берилиши ҳақида жуда кўпгина манбаларда изоҳ берилган.

Оилада ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, ширинсуҳанлик, бир-бирига ғамхўрлик каби сифатлар, ёш авлодни мақсадга хос тарзда тарбиялашда самарадорликни оширувчи усуллардан бири бўлиб, тақлид қилиш борасида яхши намуна ҳисобланади. Оиладаги ўзаро муносабатларни, юз берадиган воқеа илғаб олади. Шунинг учун ҳам намуна сифатида ота-она шундай ҳислатларга эга бўлиши керакки, булардан:

1. меҳнаткаш;
2. тартиб интизом;
3. меҳр-муҳаббатли;
4. сабр тоқатли;
5. саводхон каби шундай фазилатларга эга бўлган ҳар бир ота-она обрўли фарзандларни тарбиялаш соҳасидаги таъсир кучли бўлади. Ота-

она обрўсини таъминлайдиган энг муҳим омил уларнинг кундалик ҳаётдаги ибратли инсоний муносабатлари, меҳнатдаги юксак муваффақиятлар, шунингдек уларнинг билим доираси, дунёқарashi ва ахлоқ-одоб билан алоқадор бўлган хусусиятлари белгиловчи мезон ҳисобланади. Намунали муносабат ўрнатилган оилаларда шарқона тарбиядагидек фарзандлар самимийлик ва сабр-тоқатни, ҳурмат ва эҳтиромни ўрганади.

Оилавий муносабатларда маънавий эҳтиёжга асосланган алоқалардан бири-мулоқот қилиш жараёни муҳим ҳисобланиб, шахс шаклланишида ката рол ўйнайдиган намуна ва тақлид сингари шу даражада ҳал қилувчи вазифани адо этади. Чунки, киши ўзаро шахслараро муносабатлар жараёнига киришиши билангина атроф-муҳитда содир бўлаётган воқеиликлардан хабардор бўлиб, улар ўртасида ахборот айирбошлаш юзага келади. Аслини олганда ҳам кишилар ўз фарзандларига мулоқот тарзида ўқтириб ўргатадиган ҳар қандай илмий, ижтимоий тажрибалари, малака ва билимлари ҳам ижтимоий-тараққиётнинг маҳсули сифатида кишилик

Оила – ҳаётий мазмунига ҳамда жамият томонидан маъқулланадиган хусусиятларга эга бўлган ижтимоий ҳодиса. Унда ижтимоий ҳаётнинг барча асосий қирралари, вазифалари ҳамда хусусиятлари, синкретик тарзда бўлса-да, мужассамлашган. Инсон умри мобайнида оила таъсирини сезиб туради, дастлаб ота-онасининг оиласида сўнг ўзи қурган оиласида ҳаёт кечиради.

Ҳар икки ҳолда ҳам оила шаклланади. Инсон оилада индивидуал ва ижтимоий ҳаёт кўникмаларини ҳосил қилибгина қолмай, балки унда ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш бўйича ота-она мақомини ҳам олади. Аксарият тадқиқотларда оиланинг ижтимоий институт сифатидаги тўртта асосий вазифаси ажратиб кўрсатади.

Биринчи вазифа - фарзандлар туғилиши билан боғлиқ.

Иккинчи вазифа – янги авлодни Ушбу жамият маданиятидан баҳраманд этиш.

Учинчи вазифа – шахснинг ўзини-ўзи камол топтириш, унинг қобилиятини юзага чиқариш учун шароит яратиш.

Тўртинчи вазифа – шахснинг муомала – мулоқотга ҳиссий қўлайликка бўлган психологик эҳтиёжни қондириши.

Шахс ижтимоий фаолиятни шаклландек яхлит жараённинг бу қиррасига кўплаб омиллар, жумладан оиланинг моддий фаровонлиги, ота-онанинг савияси, оилавий кадриятлар тизими боланинг таълим олиш жараёнида ота-онанинг иштироки сингари жиҳатлар таъсир кўрсатади.

Оила моддий фаровонлигининг шахс ижтимоий фаоллигига таъсири баҳоланда кишилар уларнинг фақат даромаддагина эмас балки ҳар бир муайян оилада мавжуд бўлган маънавий маданий кадриятлар тизимига боғлиқлиги йўқ. Чунки ката даромад моддий неъматлар сотиб олиш ҳамда дабдабали тантаналар ва тадбирлар ўтказиш йўли билан бадавлат киши мақомини сақлаб туриш учун буткул ишлатилиб, шахсни камол топтирувчи маънавий истеъмолга сарфланмаслиги мумкин.

Оила мураккаб ижтимоий гуруҳ бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади. Шу сабабдан турмушдаги ва оила аъзолари муносабатларидаги ўзгаришлар унинг моддий-маиший, иқтисодий негизи ўзгаришга бевосита боғлиқдир.

II – БОБ. ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

2.1. Оилада бола тарбиясининг мавжуд ҳолати

Оила қайси миллат билан боғлиқ бўлса, шу миллатга тегишли бўлган этнопсихологик томонларни ўзида мужассамлаштиради. Оилага тегишли бўлган шу миллат урф-одатларини, удумларини, анъаналарини бажаради ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда манна шу миллий томонлардан фойдаланади. Миллий урф-одатлар, анъаналар орқали эса шу миллатга тегишли бўлган этнопсихологик томонлар таркиб топади ва ривожлантирилади.

Шунга кўра ўзбек оиласининг дунёдаги бошқа оилаларга ўхшаш томонлари билан бирга, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд.

Ўзбек халқининг ҳаётида мавжуд бўлган тартиб ва қоидалар халқ анъаналари ҳамда ислом дин ива шариат асосида юзага келган.

Ўзбек халқи ўзининг буюк оиласи тарихи, оилавий муносабатлар маданияти, ундаги юксак маънавия-ахлоқий анъаналари билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Ўзбек оиласи ҳақида фикр юритганда оиладаги ҳар бир инсоннинг ўрни, унинг бошқаларга муносабати, вазифаси ва бошқа мезонларини ифодаловчи одоб-ахлоқ қоидалари кўз олдимизда намоён бўлади. Оилада ота-она муносабатлари, фарзандлари ва улар ўртасидаги муносабат қоидалари, мустаҳкам ва барқарордир.

Шунингдек, бу оиланинг инсонпарварлиги ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Масалан, у камбағалларга ёрдамлашишда, ота-онасиз қолган болаларнинг бошини силашда, уларга ғамхўрлик кўрсатишда, касал ва хасталарни холидан хабар олишда, азадор оилаларга таъзия билдиришда, уларнинг кўнглини кўтаришда, маҳалладошларнинг солаётган иморатларини ҳашар йўли билан кўтаришда ва бошқа кўплаб маросимларда, тўй-ҳашамларда, кундалик турмуш тарзида кўришимиз мумкин.

Бу инсонийлик фазилати айниқса катталарнинг ҳурматини жойига қўйишда яққол намоён бўлади. Бу удум болаларга ёшлигидан ўргатилади.

Ўзбек хонадонининг фарзандпарварлиги фарзанди дунёга келгандаги тантанадан бошланади. Оилада хоҳ ўғил, хоҳ қизнинг дунёга келиши ката байрам, беҳад қувонч, илоҳий бир ҳолат ҳисобланилган.

«Ўғли борнинг ўрни, қизи борнинг кадри бор» деган нақл ҳам шундан келиб чиққан. Айниқса ўғил боланинг туғилиши ота-онага ўзгача шодлик, фавқулоддабахт-саодат бахш этган. Чунки қиз бировнинг ҳасми, ўзга оиланинг бахти, саодати, қувончи, кўрки, файзи деб қаралса, ўғил бола оилада муқим қолувчи, сулола давомчиси, оила бешигининг тебратувчиси, сўнгги дамда ота-она тобутининг эгаси, оила чароғбони саналади. У гўша кўрки, оила савлати, унинг шани обрўси, анъаналарнинг давомчиси, қолаверса, кўни-қўшни, маҳалла, она юрт химоячиси, оназамин фидойиси ҳисобланган.

Шундай экан, оилада фарзанднинг дунёга келиш ота-она, хонадоннинг умид-орзулари, аҳил-биродарлиги, кўркамлиги, файзлилиги, қут-барақаси, обрўси, қадрияти нуфузи, барҳаётлиги, оила мустаҳкамлиги, бутунлигининг нишонаси тасдиғидир.

Шундай бўлса керак, ота-она фарзанднинг соғлом, комил бўлиб ўсиши учун ҳар қандай ҳаловатидан осонгина воз кеча олган. Ҳар бир ота-онанинг илоҳий орзуси ўз фарзандини одоб-ахлоқли, меҳрибон, меҳнаткаш қилиб ўстириш, элга қўшишдан иборатдир.

Ўзбек оилалардаги айрим дурдона фазилатлар ҳақида фикр билдирар эканмиз, аждодларимиз оилани муқаддас даргоҳ ҳисоблаб манна шундай нодир фазилатлар орқали ўз фарзандларини оилага нисбатан чексиз ҳурмат руҳида тарбияланганлигини гувоҳи бўламиз.

Келажакнинг қурувчиси ёш авлод экан, уларни оилада тарбиялаш, уларни йўл қандай билан тарбиялаш кераклигига эътибор бермоғимиз лозим. Чунки ҳар бир оила ижтимоий жиҳатдан ҳар хил, тарбиялаш ҳам шунга кўра бўлади.

Оиладаги тарбия, яъни якка ҳолда тарбиялаш демакдир. тарбиялаш ҳам оилаларда ҳар хил бўлади. Чунки ёш ота-оналар учун бир юз мураккаброқ бўлса, ўрта ёшдаги оилаларда эътиборсизроқдир. Кексалар орасида эса хотиржамликдир. Бундай бўлишидаги тарбиялар ҳам ҳар хил бўлади.

Жумладан:

Ёш оиладаги (ота 25-30 ёш, она 20-25 ёш) тарбия кўринишлари бола 1 ёшгача инжик, 1-7 ёшда эркатой, 7-10 ёшда ҳамма ҳислатларига ота-она рози.

Ўртача ёш оиладаги (ота 30-35 ёш, она 25-30 ёш тарбия кўринишлари аралаш ҳислатлар.

Кекса ёш оиладаги (ота 45-50 ёш, она 40-45 ёш) тарбия кўринишлари бола 10 ёшдан юқори бўлганда ҳамма топишириқларни бажаришга ҳаракат қилади, ота-она унинг маслаҳатгўйи.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, серфарзанд ўзбек оиласида ота-она ҳоҳ қиз, ҳоҳ ўғил, ҳоҳ тўнғич, ҳоҳ кенжа фарзанд бўлсин, уларга бирдай муносабатда бўлиши тарбия самарадорлигини оширади. Ана шунинг учун фарзандларни ҳаддан ташқари эркататмаслик, ажойиб инсонлар намунаси мисолида ўғил-ўизларни феъл-атвор. Ҳислатларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Асосан оилада болаларни миллий қадриятларимиз, урф-одат, маросимларимиз асосида тарбияламоғимиз лозим. Жумладан, миллий байрамлар, тўй, миллий кура шва мусобақа, Алла айтиш, меҳмон кутиш йўллари, маврудий, мавсумий тўғрисида тушунча бериш зарур.

Миллий анъаналардан келиб чиққан ҳолда оилада катталарга, ота-онага, қариндош-уруғларга, ўқитувчи-тарбиячиларга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини шакллантириш ўтмиш авлод томонидан яратилган, тўпланган бойликларга, тарихий ёдгорликларга меҳр-муҳаббат руҳини сингдириш оиланинг муқаддас вазифаси бўлмоғи лозим. Оиладаги энг яхши тарбия – бу меҳнат тарбиясидир. Боланинг илк ёшидан бошлаб меҳнатга ўргатиш

керак. Чунки меҳнат қилган бола каталар меҳнатини эъзозлашга, уни қадрлашга одатланади. Оилада ота-онанинг меҳнат билан топиш ҳар бир сўм пулини жой-жойига этиётлаб сарфлаши ва бу ишга болаларни ёшликдан ўргатиб бориш ҳам тарбиянинг муҳим белгиларидан биридир.

Болаларга оилада кичиклигидан нарсаларни қадрлашга, эҳтиёт қилишга ўргатиб, одатлантириб бориш лозим. Боланинг одоби, аввало, унинг катталарга муносабатида ўртоқларига муомаласида намоён бўладию бола яхши одатларни, шу жумладан хушмуомалаликни, ота-онаси, ўқитувчилари ва катталардан кўриб ўрганади.

Оилада болаларга яхши хулқ-атвори шакллантириш учун яхши ибрат зарур. Ҳар қандай угит иборат билангина таъсирлидир. Ҳадисда инсонларни яхшиликка чақиришга оид угитлар етарлича бор.

Ўғил-қизларимиз шундай тарбиялансинки, тарбияланган фарзандимиз фақат оила ёки ўзи учун эмас, Ватан учун, унинг келажаги порлоқ бўлиши учун ҳам қайғурсинлар.

Ёш авлодни хушмуамилаликка, тўғрилиқка, катталарни ҳурмат қилишга, одамларга ҳамдард бўлишга, яхшилик қилишга ўргатишдан мақсадимиз мустақил Ўзбекистонимизнинг барча мамлакатлар орасида танитувчи, халқнинг энг яхши урф-одатлари ва оилавий анъаналари руҳида жамият учун олижаноб фазилатли, билимдон, маданиятли шахсни тарбиялашдир.

Маълумки, ёш авлодга мақсадга мувофиқ тарбия бериш учу нота-оналар ҳам тарбиянинг вазифаси, мақсади, воситалари, шарт шароитлари юзасидан ҳар томонлама билимга эга бўлишлари, фарзандларининг ёши ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда иш юритишлари лозим.

Ўзбек оиласида бола тарбиялашнинг ишонтириш, тушунтириш насиҳат, ибрат-намуна кўрсатиш, яхши фазилатларни машқ қилиш, рағбатлантириш, танбеҳ бериш, огоҳлантириш, жазолаш каби усуллар қўлланилади.

Оилада бола тарбиясининг ўзига хос қоидалари мавжуд бўлиб, ота-оналар улардан ўринли фойдаланишлари лозим. Хусусан, улар қуйидагича:

1. Оилада ҳиссий мослик, руҳий хотиржамлик ва илиқ иқлим яратиш.
2. Ота-она обрўсини сақлаш.
3. Тарбияда ота-она, катталар ўртасида талабчанлик бирлиги.
4. Бола шахсини меҳнатда тарбиялаш.
5. Оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги.
6. Болани севиш ва иззат қилиш.
7. Оилада қатъий режим ва кун тартиби ўрнатиш.
8. Тарбияда болаларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.
9. Бола тараққиётини аниқлаб бориш.
10. Болада мустақиллик, ташаббускорлик сифатларини ҳосил этиш ва бошқалар.

Оиланинг маънавий дунёсини такомиллаштириш учун унда зарур руҳий хотиржамлик, ибратли руҳий муносабат, ўзаро тотувлик-яратилган бўлиши зарур ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, ширинсуҳанлик, бир-бирига ғамхурлик мавжуд бўлса, бундай муомала-муносабат бола тарбиясига ижобий таъсир қилади. Улар ўз фарзандларига чинакам бахт, қувонч ҳада этадилар.

Оилада қатъий интизом ва кун тартибининг бўлиши болалар тарбиясига ижобий таъсир қилади. Буларнинг билим олишдаги ютуғи, ахлоқи, саломатлик даражаси кўп жиҳатдан оилада қарор топтирилган оқилона режимга боғлиқ. Шунинг учун ота-оналарнинг ўзлари ҳам бу борада ибрат кўрсатишлари, оқилона тузилган оила режимига қатъий амал қилишлари, фарзандларга ҳам ўргатишлари даркор. Бу нарса

айниқса, қиз болалар тарбияси учун жуда зарурдир. Чунки у ката бўлгач, ниҳол каби бошқа уйга кўчиб ўтади – оила қуради.

Мурғак тасаввурли бола илк тарбияни оилада олади. Бола тарбиясининг илк сабоқлари ҳақида атоқли ўзбек педагоги Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд Ахлоқ китобида қуйидаги ибратли ўғитларни айтган эди: тарбияни тугилган кундан бошламак, вужудимизни қувватлантирмак, зеҳнимизни равшанлаштирмак лозим».

Бола ота-онанинг оғушидан «илиқ нафасидан, қалб ҳароратидан баҳра олиб ўсади». Олам сирини фарзанд даставвал ўзининг нуридийдаларидан ўрганеди. Шунинг учун ота-онани биринчи тарбиячи муаллим дейишади.

Оилада фарзанд тарбиясини тўғри йўлга қўйишнинг асосий воситаси унинг маънавий оламида эътиқодни шакллантиришдир. Бунга болани фақат ишонтириш йўли билан эришиш мумкин. Шунинг учун ота-она ўғил-қизларни тарбиялашда уларни қўрқитишда ёки асосиз буйруқ беришга таянмасдан иш тутиш керак.

Кичик ёшдаги болалар мактаб остонасига оёқ босиши билан ўйин фаолияти эгаллай бошлайди. Баъзан улар қийинчиликлар олдида бардош бера олмай инжиқлик қиладилар. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун уни эркалатмаслик, ҳамиша қўйган талабини қаттиққуллик билан амалга оширавермаслик даркор. Унинг ўрнига йўл-йўриқ кўрсатиш, тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Фақат ана шундагина унда иродавий сифатлар шаклланади.

Бундай ёшдаги болаларга оилада талаб бир хил бўлиши яхши натижа беради. Уларнинг талаб ва истакларини далиллар асосида тушунтиришга ҳаракат қилиш, нотўғри ёки қалбаки ахборотлар беришдан сақланиш керак. Ёлғон жавоб бериш орқали ота-оналарнинг фарзанд олдида обрўси пасаяди, чунки улар уйда олинган жавоб билан ўқитувчисининг жавобини солиштириладилар ва у аснода ким ҳақ ёки Ким ноҳақ эканлигини аниқлайдилар. Улар учун бошланғич синф

ўқитувчиси донишманд, билимдон, ишбилармон шахс ролида намоён бўлади.

Оилада катталар обрўи кўрқитиш асосида вужудга келмасдан, балки самимийлик, илиқ ҳурмат замирига қурилиши мақсадга мувофиқдир. Оила аъзоларининг иноқлиги, хатти-ҳаракати, кийиниши, меҳнат фаолияти, ўзга кишилар тўғрисидаги суҳбатлари ва уларнинг бошқа сифат ҳамда фазилатлари боланинг мурғак тасаввурига янги тимсолларни олиб киради. Кичик ёшдаги болалар тарбияга берилувчан ҳамда катталарга ишонувчан бўладилар. Ота-оналар уларнинг бу хусусиятларини инобатга олган ҳолда мулоқотда бўлсалар, оилада тотувлик қарор топади. Шу фазилатлар бола онгига сингиб боради ва у келажакда ахлоқий соғлом ўсмир бўлиб етишади.

Кичик ёшдаги болалар ҳаётида ўйиннинг аҳамияти ката. Атоқли педагоглар «бола кичиклигида ўйин фаолиятига қандай муносабатда бўлса, ката бўлганида ҳам меҳнат фаолиятига ҳуди шундай муносабатда бўлади», деб таъкидлайдилар. Крупскаянинг фикрича, 5-6 нафар боланинг бошини қовуштириб, уларни ўйин фаолиятига жалб эта олган, ўйиннинг боришини муваффақтли ташкил этиб, ўз тенгдошлари фаолиятини тўғи уюштираётган болалардан келгусида давлат арбоблари етишиб чиқиши эҳмолдан ҳоли эмас. Бунга мисол тариқасида жаҳонгир Амир Темурни олишимиз мумкин.

Эртақлар, бадий адабиёт ва санъат асарлар кичик ёшдаги болаларнинг мурғак қалбларини тўлқинлантириб, уларнинг эстетик ва ахлоқий жиҳатдан шаклланишларига ғоят муҳим рол ўйнаши ҳаммага маълум.

Айниқса В.А.Сухомлинскийнинг болаларни илк давридан соғлом ўстириш зарурлигини қайд этган ғоялари «Болаларга жоним фидо» китобида баён этилган. Бинобарин, «Сухомлинский болаларнинг соғломлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш системасини ишлаб чиққан бўлиб, бу система ўқувчининг ҳаётини оқилона ташкил этишга, гимнастикага,

тўғри овқатланиш тартибига асосланган эди ва бу системада асосий нарса – соф ҳавода бажариладиган ҳар хил меҳнат турлари эди»¹.

В.А.Сухомлинский ёз ойлари кўпинча болалар билан бирга ўтказарди. Бу тўғрида хотираларида шундай ёзган эди: «Биз эрта тонгда туриб, тунги уйқудан уйғонаётган табиатнинг бетакрор гўзаллигидан завқланардик, шудрингларни босиб юрардик, ката ёғоч бочкада олиб келинган ва умивальникларга солинган булоқ сувида ювинардик. Болалар учун ҳамма нарса: эрталабки гимнастика ҳам, белгача совуқ сувда ювиш ҳам, пиширилган картошка ҳам, тарвузлар ҳам ҳузур бағишларди. Нонуштадан кейин биз меҳнат қилардик. . . ».

В.А.Сухомлинский инсон шахси камолга етишининг мураккаб йўллари синчиклаб, қадам-бақаддам очиб беради, учун меҳнат энг биринчи қувонч, инсоннинг энг зарур эҳтиёжи бўлиб қолади. У тадқиқотлар асосида болалар касалликларининг, болалар дангасалиги, заифлигининг сабаблари оилавий тарбиянинг нуқсонларида яширинганлигига ишонч ҳосил қилади. У болаларни тарбиялашни ота-оналардан, ахлоқий тарбияни эса боланинг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилишдан бошлайди¹.

Маълумки, бола кичиклигидан табиат қўйнида ўсса, унинг очилиб турган гулларни узиб-юлқимаса, ҳайвон-паррандаларни севиб, уларни парвариш қилса келгусида инсонпарвар, раҳмдил, катаю кичикка муруватли бўлиб вояга етади. Бинобарин, қаҳратон қишда қушларга ин ясаб осиб қўядиган, очликдан зир титратган мусича-чумчуқларга дон сепадиган болалардан келажакда ҳеч қачон ёмон одам чиқмайди. Аксинча, болалигида қўлидаги чўзма билан тош отиб қўшларни нобуд қиладиган қорнига калтак ниқтаб ҳайвонларга озор берадиган болалардан эса келгусида қотиллар, безорилар, дилозорлар чиқиши табиий ҳолдир.

¹ Оила этикаси ва психологияси. 108 бет. Т. Ўқитувчи. 1972 й.

¹ Азаров Ю.П. Оила педагогикаси. Т. Ўқитувчи. Нашри. 1988 й.

«Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангизлар», - дейилади. Муҳаммад пайғамбар ҳадисларидан бирида.

Фарзанд – ҳаётнинг гули. Дарҳақиқат, одобли фарзанд билан ҳаётимиз файизлидир. Бироқ фарзандларимиз ҳатти-ҳаракатида ҳам гоҳо нуқсонлар кўзга ташланади, уларни ўз вақтида олдини олиб, бартараф этмаслик гуноҳ ишларга олиб келади. Шунинг учун оилада фарзандларимизга ҳадис намуналарини ўқтириб боришимиз керак.

Педагогика Фани атамасида «тарбияси қийин» деган тушунча мавжуд. Бу тушунча одатда шўх ва қайсар ўқувчиларга нисбатан ишлатилади. Шунингдек, тарбияси оғир болалар қаторига ўзбошимча, ҳатто безори ва зараркунанда даражасига тушиб қолган ўсмирлар ҳам киради, уларни тарбиялаш, ҳаётда ҳақиқий тўғри йўлга солиб юбориш осон иш эмас, албатта. Бироқ астойдил, эътиқод ва фидойилик кўрсатиб, ижтимоий фанлар қонуниятига суяниб, бу оғир ва машаққатли ишда муваффақиятга эришадиган тарбиячи-мураббийлар ҳам йўқ эмас. Чунки атоқли педагог В.А.Сухомлинский айтганидек, ёмон бола йўқ фақат ёмон тарбиячи бор, холос.

Тарбия ишининг заргарнинг меҳнатидек нозик иш эканлигини унутмаган ҳолда, болани кичик ёш давридан бошлаб хулқ-одоб, юриш-туриш малакаларини ўргатиб бориш, бунинг учун, аввало, машқ қилдириш, суҳбат, тушунтириш, ишонтириш, иборат-намуна каби илмий-амалий методлардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Инсон ўз олдига қўйган мақсадига етиш учун тинимсиз меҳнат қилар экан, бунинг учун аввало, унда мустаҳкам ирода бўлиши лозим. Шунинг учун, биз тарбиявий ишимизнинг асосий йўналишини болаларда машқ қилиш сифатларини шакллантиришга қаратишимиз зарур. Бунда кун тартиби роль ўйнаб унинг асосида ўз фаолиятини ташкил этган бола вақтдан унумли фойдалана олади, ҳаёти давомида кунт билан ишлаш,

меҳнат қилиш кўникмасига эга бўлади. Унда интилиш билан шахсий имкониятига баҳо бериш ўртасида уйғунлик вужудга келади.

Вақти-вақти билан ахлоқий мавзуларда суҳбат ўтказиб, боланинг онгига таъсир этиш ҳам аҳамиятлидир. Бунда суҳбатни бадиий асар қаҳрамонлари, Ватанимизнинг ажойиб кишилари ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, табиат олами ҳақида қизиқарли қилиб ўтказиш мумкин.

Бунда ўғил ва қизларнинг ёш хусусиятлари, билим савиялари, ақлий имкониятлари, қизиқишлари, қобилиятлари эътиборга олинган ҳолда тарбиявий тадбирни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шу хусусда болаларнинг дин аҳллари билан мулоқотда бўлиши ҳам мақсадимизни ойдинлаштиради. Ислом ҳадисларида «Дин-насиҳатдир» дейилган. Дарҳақиқат, ёмон гапга пичоқ қинидан, яхши гапга илон инидан чиқади.

Маълумки, боланинг ҳатти-ҳаракатидан баъзан салбий ҳолатлар, нохуш кечинмалар ҳам учраб туради. У бирон-бир айбни атайлаб эмас, балки кўпинча тушунмаганлигидан қилади. Боланинг айби, ножўя ҳатти-ҳаракати учун жазолашдан кўра, унинг келтирган зиёни ҳақида тушуна билиш керак.

Болаларда ўз руҳий дунёсига кўра, фойдали ишлари билан катталарга ёрдам бериш истагида бўладилар. Бироқ турмуш тажрибасизлиги ва ўқувсизлиги туфайли уларнинг бу истаклари ҳам амалга ошавермайди. Гоҳо «қош қўяман деб, кўз чиқариш» ҳолати рўй беради, у бир ишга далил киришадию, сал вақт ўтмасдан ишқал чиқаради. Шундай ҳолларда, яъни бола бирон-бир фойдали ишга қўл урмоқчи бўлганида зудлик билан уни қандай бажаришни кўрсатиб, йўл-йўриқ бериш лозим. Бунда унинг муайян фаолиятини (вазифани, топшириқни) ўзи мустақил равишда бажаришга одатланиши роль ўйнайди.

Тарбия ишида ишонтириш методидан ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Бу методни кўпинча бола муайян ишни далиллик билан эмас, балки саросима, кўрқув ҳисси, иккиланиш туфайли бажара олмаган пайтда ҳам, умуман, ҳар қандай ҳолатларда ҳам қўллаш мақсадга

мувофикдир. Ишонтириш орқали болада ўз кучига ишонч туйғуси пайдо қилинади, бу туйғу эса болага кўтаринки рух бағишлайди.

Бинобарин, «болани бошидан, ниҳолни ёшидан асра» деган ҳикматга амал қилган ҳолда ёш бўғинни энг кичик ёш давридан бошлаб ғоятда эътибор билан тарбиялаб борсак, зарур хулқ-атвор кўникмаларни шакллантирсак, фарзандларимизнинг келажаги ҳақида қайғуриб, Ватан олдидаги маъсулиятимизни доимо хис этган ҳолда ота-оналик бурчимизни шараф билан адо этган бўламиз. Ана ўшанда болаларимиз муҳим характер хислатларини эгаллаб, улар оиланинггина фарзанди бўлиб қолмасдан, ватанга ва халқига муносиб фарзанд бўлиб вояга етадилар. Шу ўринда буюк мутафаккир Алишер Навоий ва бошқалар ҳақидаги ҳикоятлардан сўзлаб бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оила тарбиянинг асосий пойдеворидир. Боланинг ким бўлиб етишиши асосан, оиладаги муҳитга – тарбиявий таъсирига боғлиқ. Бу тўғрида атоқли педагог А.С.Макаренко алоҳида тўхталиб, агар биз фарзандларимизга яхши тарбия берсак, бу келажакдаги аччиқ кўз ёшимиз, ноқобил фарзанд туфайли қон-қон йиғлаб ютадиган ғамларимиз аламларимиз, деб ота-оналарни ағоҳлантирган эди. Зотан, болани аввало жисмоний соғлом қилиб ўстирсак, мустаҳкам иродали қилиб чиниқтирсак, мурғак қалбига беғу борликни, бокираликни, чин одамийлик ҳиссини, улуғворлик, мардлик-мардонаворлик туйғуларини, эҳтирос ва жўшқинликни, олижанобликни сингдириб борсак, унинг ақлини пешлаб, турмуш эҳтиёжи учун зарур бўлган билимлар билан бойитсак, фаолиятига меҳнатсеварлик, ғайрат-шижоат, ташаббускорлик, ижодкорлик, мустақил ҳаракат қилиш, уддабуронлик каби сифатларни сингдириб юборсак, қобилиятини аниқ мақсад сари йўналтира олсак, биз ота-оналик ва мураббийлик бурчимизни бажарга бўламиз. Ана ўшанда фарзандларимизни тарбиялаш йўлида чеккан машаққатларимиз, сарф этган беминнат меҳнатимиз ширин мевасини беради. Бу мевадан ўзимизгина эмас, балки жамият ҳам баҳраманд бўлади. Фарзандимиз эса

шундай улуғ даражага етишганидан бениҳоя бахт-қувончга тулиб, бизлардан бир умр миннатдор бўлиб қолади. Акс ҳолда оилада дили ҳуфтонлик кайфиятлари авж олаверади. Шу сабабли, бола тарбиясида ота-онанинг фикри муштараклиги катта роль ўйнайди.

Бола тарбияси – барча инсоний фазилатлар ичида энг ижобий ишдир. Аммо ота-оналар болаларга муҳаббат ҳиссини тўғри тушунсалар, узларининг хатти-ҳаракатларини онгли равишда қарор топтира олсалар, болаларга таъсир этиб ва уларнигина эмас, балки ўзларини ҳам ўзгартира олсалар, болалар билан биргаликда оламини кашф этсалар, оламга қараб, уни қайта қура олсаларгина тарбия ижобий бўлиши мумкин.

Мактабда бўш вақт ўқувчининг дарсдан сўнг синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар билан банд бўлишидан иборат.

Мактабда ўқувчининг бўш вақтида фан тўғараклари, олимпиадалари, кўрик-конкурслар, кечалар, учрашувлар, мунозаралар, мусобақалар, анжуманлар, кўргазмалар ташкил этиш, Наврўз, Рўза ҳайит, Қурбон ҳайит, Ҳосил байрами ва бошқа шу каби миллий тарбиявий тадбирларга жалб этишга кўпроқ аҳамият берилади.

Турли спорт ўйинларидан миллий кураш, кўпқари, човган, миллий рақс, тирандозлик, чавандозлик, қиличбозлик ва бошқаларга, миллий санъат турларидан мискарлик каштачилик, зардўзлик, тўқувчилик, кулолчилик, темирчилик ва бошқаларга қатнашиш ҳар бир бола учун миллий кадриятларни, анъаналарни, санъатни эгаллашда муҳим ўрин тутди.

Инсон бўш вақтининг катта қисми оила даврасида ўтади. Бўш вақтни ташкил этишда ота-она намунаси, уларнинг раҳбарлиги асосий ўринда туради. Бўш вақтда фарзандларни меҳнат билан банд этиш, касб-ҳунар ўргатиш, қобилиятига кўра малака ва кўникмага эга қилиш, оилавий юмушларни ўргатиш ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчидир. Бўш вақтни беҳуда ўтказиш – ҳаётни мазмунсиз ўтказиш демакдир. Ота-

она илмини ўрганишга, улардан энг яхши хислатларни, одатларни эгаллашга интилиш фарзанд учун кундалик эҳтиёжига айланиши керак. Ота-онани махсус вақт топиб, ўз тажрибасини ўргатишини билимдон, касб-хунари сирларидан воқиф қилишини, кутмаслик зарур. Машғулотдан бўш вақтда уларнинг ёнида бўлиш, ҳар бир ишига ёрдам бериш, меҳнат инсонни чиниқтиришини унутмаслик керак.

Боланинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатларидаги гўзаллик ўзидан-ўзи вужудга келмайди. Бунинг учун ота-оналар яхшилик ва ёмонлик, дўстлик ва камтарлик, катталарга ҳурмат ва бошқа шу кабилар тўғрисида болалар билан суҳбат қилиб туришлари лозим. Эси киргандан кейин одоб-иззатни билиб олар, деб ўйлаш нотўғридир. Болалар ножўя ҳаракатларга кўпинча аввал тушунмасдан йўл қўядилар. Баъзан ота-оналар фарзандларида пайдо бўлаётган бундай ножўя ҳаракатларни пайқамасдан қоладилар. Кейин эса пушаймон бўладилар.

Халқимиз «Бола ота-она ахлоқий қиёфасининг кўзгуси» деб бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, яхши хулқли, ижобий фазилатли ота-оналардан болаларига табиий равишда энг қимматли ахлоқий хислатлар ўтиб боради. Кўпчиликнинг ташвиши билан яшайдиган ота-оналарнинг болалар хушфеъл ота-оналар ўз фарзандларини доимо эзгуликка чорвайдилар.

Халқ болаларнинг хатти-ҳаракатига, қилиқларига баҳо берар экан, доимо уларнинг ота-оналарига ўхшашлик томонларини қидиришган. Халқимиз орасида, «Онасини кўриб-қизини ол» ёки «Отасининг ўғлидан» деган гапларнинг юриши фикримиз асосидир.

Ҳақиқатдан ҳам боланинг келажакда қандай инсон бўлиб етишиши кўпроқ ота-онаси ва ўз оиласига ҳамда унда таркиб топган муҳитга боғлиқ. «Бола ота-онасидан ортиб қаерга боради» деган гап айтилиши ҳақиқатдир.

Буюк бир зот: Ҳар бир хотиннинг ақлини ўлчамоқчи бўлсангиз, унинг қўл остидаги болаларига боқинг деган экан. Ҳар бир сўраган

нарсасини, хусусан йиғлаб сураганда бериш ва ҳеч қачон бир сўзига қулоқ солмаслик, ҳаддан ташқари талтайтириб ўстириш, севиш, ҳар бир қилиғини мақтаб туриш, зийнатли нарсалар кейишга ҳар вақт лаззатли таомлар ейишга одатлантириш бола хулқини бузади.

Феъл-атвор билан таъсир кўрсатиш тил билан бўлажак нарсаларга таъсирлироқ бўлади.

Гарчи бир хотин боласига тили билан гўзал нарсалар ўргатсада, феъл ёмон бўлса, у ёмон хулқ ўргатувчидир. Зеро, ёш болалар ота-оналаридан кўрган нарсаларини таклид қиладилар. Бола кўз ўнгида ножўя ишларни қилиш уларга ҳам ўшандай ишларнинг ўргатмоқнинг ўзидир. Бола ҳеч бир уруғ буғдой сочилмаган ер. Ёки ҳеч бир нақл ёзилмаган оқ қоғоз бўлиб, қандай уруғ сочилган бўлса шундай ҳосил берар, қандай ёзилган бўлса шундай ўқилар. Болага агар гўзал тарбия берилса эзгу, дунё ва охиратда маъсул булур ва ҳар бир яхши ишларидан тарбия эттирувчиларга гўзал ҳислар қўшулур.

Кўриниб турибдики, бола тарбияси қандайлиги ота-онага боғлиқ. Айни вақтда боланинг ёмон бўлиб кетишидан, энг аввало улар иснодга қоладилар. Тарбияли болани кўрган ҳар бир киши беихтиёр «ота-онангга раҳмат», «ота-онаси яхши бўлса керак, болалари ҳам ўзига тортибди» деб қўяди. Аксинча қилиғи совуқ, хулқ-атвори, юриш-туриши совуқ, ҳатти-ҳаракати, муомала муносабатига қараб ота-онаси ҳақида, унинг қандай оилада тарбия кўрганлиги тўғрисида ижобий ёки салбий фикр билдирамаиз.

Бу соҳада ота-она вазифалари бўлакларга ажратиб бўлмайди. Ота боланинг хулқига, ҳатти-ҳаракатига нисбатан бир-бирига тескари муносабатда бўлиши яхши эмас. Бола бирор ножўя иш қилса-ю уни ота қоралаб, ота мақтаса ёки аксинча бўлса бу хунук оқибатларга олиб келади. Боланинг қилган ишига нисбатан ота-онада икки хил фикр бўлганда ҳам, улар ўзаро келишиб болага муносабатларини билдиришлари керак.

Оилада катта ёшли болалар билан тўғри муносабатда бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Бола ўлғайган сари катталар буйруғини ёқтирмайдиган бўлиб қолади. Бу буйруқ кўпинча қаршилик кўрсатиш ҳатто оқилона талабларини бажаришдан бош тортиш ҳолатларини келтириб чиқаради. Шундай пайтларда болага муомала тарзини ўзгартириш лозим. Буйруқ бериш ўрнига ишонтириш усулини қўллаш керак. Шундан кейин бироз бола ҳар бир ишни онгли равишда бажаришга одатланади. Бирон оилавий юмуш ҳақида боланинг фикрини билишга интилиб, агар мана шу нарсани мана бундай қилсак сен қандай қарайсан, деб боладан сўралса, бажарилиш керак бўлган ишга у ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қилади. Бу ўз навбатида боланинг оиладаги ўрнини кўрсатадики, бу болага ижобий таъсир қилади. Натижада болалар ҳар бир нарсага оқилона, ўйлаб фикр билдиради.

Кўришиб турибдики, фарзандларнинг ота-онага меҳр-муҳаббатли, муруватли бўлишлари зарурлиги ҳаққоний равишда такрор ва такрор ўқтирилсада, ота-оналик ҳуқуқини қозониш учун болани дунёга келтиришини ўзигина кифоя қилмай фарзандга таълим тарбия бериш ҳар муҳим шартлардан бири эканлиги ифода қилинган.

Ислом таълимотида «Қуръон»дан кейинги иккинчи ўринда турадиган бўлган, унинг диний-ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган. Ходимлар покланиш даврида таълим-тарбия ишининг муҳим манбалардан эканлиги шубҳасиздир. Ислом оламининг етук ҳадисшунос олимлари ҳадис тўпламларида тарбия жараёнининг барча қирралари шу жумладан оилада фарзанд тарбияси масалаларига бағишланган фикрлар баён қилинган. Ҳадис илмининг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшган сиймолар Абу Абдуллох Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий (810-870). Абу Исо Муҳаммад Ибн Ат-термизий (824-892). Абу Муҳаммад Абдуллох ибн Абу ар-Раҳмон ад-Доримий ал-Самарқандий ва бошқаларнинг тўпламларидан олинган ушбу ҳадислар фикримиз далили бўлса ажаб эмас.

Тангридан кўрқинглар ва фарзандларингизга бир хил меҳрда бўлинглар. Уларга кийим ва таомларни бир хил тақсимланглар ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу-одобдан буюкроқ мерос бера олмайди. оллоҳ ризо бўлишни истасангиз болаларингизга доимо адолат қилингиз.

Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ адобини ҳам яхшилангизлар.

Ота-оналарингизга қандай яхши муомалада бўлсангиз, фарзандларингиз ҳам сизга шундай яхши муомалада бўлади.

Кимнинг ёш гўдаги бўлса, унга ёш гўдакларча қилиқ қилиб эркататсин.

Кимки учта қизни ўстириб, тарбиялаб, вояга етказиб, муносиб жойларга узатса, унинг мукофоти жаннатдир. Тангри наздида энг яхши гап рост гапдир.

Маълумки, оилаларнинг равақ топишида тарбия бениҳоят катта ўрин тутди. Ўзбек оиласида эса фарзанд тарбиясида доимо «Бола азиз одоби ундан азиз» деган нақилни ўзига дастурларини амал билиб, фарзандларини ҳамма ҳавас қиладиган ахлоқ одобли, билимли кишилар қилиб тарбиялашга ғамхўрлик қиладилар. Халқимизнинг қадимдан сақланиб келаётган ва тобора сайқал топиб бораётган урф-одатларни, удумлари-ю, тарбиявий усулларига таянадилар, алломалар, шоир ва ёзувчиларнинг бебаҳо фикр дурдоналарига тинмай мурожат қиладилар.

Кундалик ҳаётимизда бўладиган оддий жуда кичик воқеа ҳодисалар ҳам болалик шахсини шаклланишида ўзининг ҳоҳ ижобий, ҳоҳ салбий ўчмас асоратини ўлдириши мумкин. Қолаверса бола фақат ота-онанинггина тарбия маҳсули бўлиб қолмай балки у фаол шахс ҳамдир. Оиладаги ҳамма вазиятларни у фақат ўзигагига эмас, оила аъзоларига тадбинан ҳам фикрлайди, шулардан хулоса чиқаради. Демак, бола ўзига-ўзи тарбиячилик вазифасини ўтайди.

Боланинг дунёқараши ҳам чегараланган, тажрибаси камлиги фикрлаш услуби ҳам ўзига яраша бўлгани учун дунёни ўзгача кўз билан

кўради. Унинг ўз атрофидаги воқеаларни идрок қилиш ва баҳолаши, ҳам ўзгача бўлади. Унинг хулқ-атвори кечинмаларини уларнинг кўзи билан кўра биладиган одамгина болаларга дўст бўлади.

Бола тарбиясида ва унинг шахс сифатида шаклланишида оиланинг ўрни ниҳоятда каттадир. Оилада боланинг дастлабки ижтимоий ахлоқий тасаввурлари, характери шаклланади. Оилада бола шахси тараққиётини таъминлайдиган педагогик жараён амалга ошиб, аста-секин билан такомиллашиб боради. Боланинг билими, қобилияти ва малакаларининг шаклланиши айнан оилага тўғри келади.

Қўйинки, боланинг ҳар томонлама тараққиёти бевосита оила ва оилавий тарбияга боғлиқ.

Болалик, ёшлик ўсмирлик инсон ҳаётининг яшнаган фасли камолтга эришиши давридир. Инсон болалик пайтидан ота-онаси, акалари, опалари, ўртоқлари, умуман атрофдаги кишидан у ёки бу хулқни тақлиддан ўзига сингдириб боради. Шунинг учун ҳам халқимиз «Катталар одоби – болалар камолоти» деб бежиз айтишмаган.

2.2. ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИНИНГ ЙЎЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Тарбия биз учун ё ҳаё-ёмамот, ё нажот
Ё ҳалоқат, ё саодат, ё фалокат масаласидир

(А.Авлоний)

Миллатнинг келажаги оиладан, унинг пойдевори мустаҳкамлиги бола тарбиясидан бошланар экан, бунда ота-онанинг, оилавий муносабатларнинг маъсулияти нақадар катталиги маълум бўлиб қолади.

Абу Наср Фаробий айтганларидек: «инсон камолот касб этиб туғилмайди, кишиларнинг ўзгаради, яъни жамиятда одамлар орасида ўса бошлагандан кейин шаклланиди.

Инсон фаолиятининг адолатга яқинлиги ёки узиклиги унинг хулқига, яшаган жамиятилга боғлиқ. Агар унда ёмонлик фикрлари озроқ бўлса, адолатга яқин бўлади. Агар кўпроқ бўлса инсофдан узоқроқ бўлади».

Оила аъзоларининг ўзаро муомалаларини тадқиқи қилган венгер социологи М.Комилоши 10-14 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг ўқишга ва меҳнатга бўлган муносабатига бевосита таъсир қилувчи оила муҳити (вазифт, шароит, ҳолат) омилларни тўрт гуруҳга ажратади:

1. ота-оналарнинг жамоатчилик фаолияти (уларнинг мафкуравий қарашлари ва ишга нисбатан муносабатлари).

2. оила ичидаги муносабатлари (отав а она муносабати, ота-оналарнинг бува ва бусига муносабатлари, ака-укалар ва опа-сингилларнинг ўзаро муносабатлари).

3. ота-оналарнинг тарбиявий-педагогик фаолият (уларнинг тарбиявий муаммолари, қизиқишлари мактаб билан ҳамкорликлари, ўқувчиларга даря тайёрлаш кезида ота-оналарнинг ёрдами, уларнинг тарбиявий аҳамияти).

4. оилада ўқувчининг фаолияти (ўқувчининг кундалик тартиби, хўжалик ишларидаги муайян мажбурияти) ва бошқалар.

М.Комилоши йиққан материалларни таҳлил қилиб, оила муҳити (вазият, шароити, ҳолати)ни уч тоифага: ижобий, ўзгарувчан ва салбий тоифаларга ажратади.

Рухшунос олим В.И.Селиванов оилада шахсни шакллантириш жараёнини ўрганиб бахтли болалик – бу оиладаги қувончли ҳамжиҳатликнинг ҳамда ота-оналарнинг болаларига ғамхўрлигининг самарасидир, деган хулосага келади. Селиванов оилаларни йўналишига қараб, уч тоифага мансуб эканлигини кўрсатиб беради. Ижтимоий илғор йўналишдаги оила, зиддиятли йўналишга эга бўлган оила паст даражадаги ижтимоий йўналишга мансуб оила.

Биринчи тоифага хос бўлган оилалар биздаги оилаларнинг кўпчилик қисмини ташкил қилади. Бундай оилаларда шахслараро муносабатлар ахлоқ принциплари ва қоидаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади, шунингдек ҳар томонлама камол топган шахснинг ижтимоий идеал (юксак орзу тимсоли) назарда тутилади. Ижтимоий илғор йўналишдаги оилаларнинг вояга етган аъзолари ишлаб чиқаришда, корхонада, жамоат ишларида фаол қатнашадилар, илғор маданиятга нисбатан қизиқишларини намойиш қиладилар, шунинг билан бирга бу нарсага ўз фарзандларида ҳам ҳавас уйғотадилар. Оилада гоҳо намоён бўладиган зиддиятларни жуда қисқа муддатда ҳамжиҳатлик билан бартараф қиладилар. Ушбу тоифага мансуб оилаларда хўжалик ашёлари, асбоблари, қимматбаҳо материаллар ҳар хил эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида қаралади, бу нарсалар шахснинг келажак истиқболи билан мутлақо боғланмайди.

Иккинчи тоифадаги оилада барқарор йўналиш бўлмайди. Оилавий турмуш муносабатлари узлуксиз равишда бирон-бир ғоянинг бошқа ғоя билан ўзаро ниқобланган кураши босқичида бўлади, у ёки бу қарашларнинг устунлиги, истиқболи ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Бундай ҳолатнинг кўзга ташланиши эскилик билан янгилик ўртасидаги курашни англатмайди. Эр-хотиннинг ёки бошқа вояга етган оила аъзоларининг мурасасиз позициялари кўпинча уларнинг феъл-атвор хусусиятларидаги тафовут негизи билан боғлиқ бўлиб, мутлақо эскилик саркити моҳиятидан келиб чиқмайди. Оилада сўз билан иш бирлиги масаласи бир-бирига қарама-қарши йўналишда бўлади. Фақат бурч ҳиссигина, муайян мажбуриятни бажаришгина оила аъзоларни ўзаро бирлаштириб туради. Мана бундай оилаларда эр-хотиннинг болаларга таъсир ўтказиш учун кураши, рақобати яққол намоён бўлади.

Учинчи тоифага мансуб оилаларда кўпинча ишчанлик удуми ва идеаллари ҳокимлик қилади. Мазкур оилаларда барча нарса ягона нарсага бўйсундирилган, яъни мол-дунё тўплашга, моддий-маиший жиҳатдан устунликка эришишига қаратилган. Вояга етган оила аъзоларининг, ота-оналарининг корхона, муассасада, ташкилотда меҳнат қилиши анна шу кўзланган мақсадга етиш воситаси сифатида, ҳар қандай меҳнат эса, иш ҳақи миқдори билан ўлчанади. Оила бошлиғининг зўравонлиги, золимлиги, унга кўр-кўрона ва сўзсиз бўйсунушлик, сажда қилишлик, заиф ва нимжон оила аъзолари фаровонлигини поймол қилишга интилиши ва ҳоказолар устун бўлади. Мешчанлик идеал ива диний эътиқод доирасидан ташқари чиқиш ҳоллари (китоб ўқиш ижтимоий турмуш фаолиятида иштирок этиш) камситилиб, бекорга вақт сарфлаб деб баҳоланади.

Шу боисдан паст даражадаги ижтимоий йўналишга мансуб оилалардан худбин, кўрқоқ, жамият учун кам нафи тегадиган ўғил-қизлар етишиб чиқиши мумкин. Жумладан, ҳар бир оила аъзоларининг яшаётган микромуҳитда тутган ўрни ва эришган обрўли, оилаларда эр-хотин муносабатлари, ота-оналарнинг фарзандларга нисбатан муомалалари, турли ёшдаги фарзандларнинг ўзаро мулоқоти, уларнинг ота-оналарга муносабатлари, оила аъзоларининг бегона кишилар билан мулоқотга киришиши хусусиятлари, улар ўртасида ўзаро ёрдам ва бирдамлилик

хусусиятлари, уй-рўзғор юмушлари тақсимоти, хордиқ чиқариш, оила аъзоларида мулоқот кўламининг кенгайиши каби шахслараро муносабатларнинг ранг-баранг жиҳатлари тадқиқ қилинган. Шунга қарамасдан, оиладаги турмуш муносабатларининг кўпгина томонлари чуқур текширилмаган, оилада оқилона муносабатларни амалга ошириш учун тайёр андозалар етарли эмас.

Оиладаги муносабатлар таъсирида илк болаликдан умумий ишга содиқлик, ватанпарварлик, ишончпарварлик, қатъийлик, қадр-қиммат ҳисси каби юксак инсоний ҳислар шакллана бошлайди. Аста-секин туғишганларга ғамхўрлик, ака-укалик ва опа-сингиллик меҳри ота-оналарга муҳаббат ва шафқат каби туйғулар намоён бўла боради.

Болаларни тарбиялаш ишида энг муҳим шарт-оиланинг мустаҳкам, маънавий соғлом асосга қурилганлиги, аввало, ота-онанинг ўзлари тарбияланган бўлишлари, улар ўртасида тотувчилик, аҳиллик, чин дўстлик барқарор бўлиши, болаларни келажак ҳаётга тайёрлаш – уларнинг кундалик эътиқод тарзида маъсулиятли бурч эканлигини онгли тушунишлари ва буни амалда оқиллашлари керак. Акс ҳолда, «Қамишни бўш ушласанг, кўлингни қияди» деган гап бор. Бир донишманд, «бир болани тарбия қилиш, бир давлатни идора қилишдан кўра қийин кечади», деган эди. Модомики шундай экан, фарзандларимиз тарбиясини, барча ишлардан устун қўя билишимиз керак.

Атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат ўз даврида, бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир. Фарзандни жисман, ақлан ва ахлоқан камолга етиштириб, ҳаёт майдонига кучли ақилли ва яхши ахлоқ билан чиқариш зарур, деб айтган ва «бадан тарбияси, ақлий тарбия ва ахлоқий тарбия ҳақида батафсил тўхталиб, бунда оиланинг ота-онанинг ўрни бениҳоя муҳим ва беқиёс эканлигини таъкидлаган.

Маълумки, бола интелекти жадал ривожланиши, унинг 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврига тўғри келади. Ҳиссий кўникмаларининг

ривожланиши 4-6 ёшда сезиларли бўлади. айнан шу даврда болага бўлган муносабат бир мунча алоҳида бўлиши, унинг ҳар бир ижобий ҳаракати рағбатлантирилиши, саволларига батафсил ва қониқарли жавоб олиши, мулоқотнинг бир мунча чуқурлашиши бевосита бола тафаккурининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, бунинг оқибатида унда ижобий ва салбий кўникма ва малакалар шаклланиб бориши калифорниялик олимлар томонидан жиддий тадқиқ этилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, асосий ҳолларда 4-6 йшдаги болалар деярли кўп вақтларни боғчада ўтказадилар. 10 дан ортиқ бола билан катталар ўртасидаги мулоқотнинг минимал даражагача тушишига олиб келади. Натижада боғча болалари бевосита, доимий оилада тарбияланаётган тенгдошларидан ақлий ва сезги – ҳаракатлар ривожланиши жиҳатидан бирмунча ҳолоқроқ бўлишини мантиқан англаш қийин эмас.

Америка олимларининг тадқиқот натижаларига кўра, ота-оналарнинг билим доираси, уларнинг фикрлаш даражаси боланинг ақлий қобилиятининг ўсиши ёки пасайишини белгиловчи омиллардан биридир. Оиланинг ҳар бир аъзоси, ота-оналар ҳам болалар ҳам муайян интеллектуал савияга эга. Ҳар бир оила аъзоси бутун оилага ва оила ўзининг ҳар бир аъзосига таъсир этади. Айтиш мумкинки, фарзандларнинг ақлий тарбиясида оиладаги умумий интеллектуал савиянинг юксалиши учун зарурий шароитларни юзага келтириш бениҳоя муҳим.

Боланинг тўқис ақлий ривожланиши учун зарур бўлган оилавий муҳитни маънавий-маърифий савия ва тегишли тажрибага эга, мустақил фикрли, дунёқараши кенг, миллий анъана ва қадриятлардан бохабар ота-оналаргина яратиб бера оладилар.

Оила тарбияси каби ката маъсулият биринчи навбатда ота ва она зиммасига тушади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида ўқтириш керакки, болалар тарбиясида асосий таъсирчан куч-қудрат, бу-Онадир. Дарҳақиқат

ота кўпчилик халқларда оиланинг моддий эҳтиёжларини қондириш ва таъминлаш, қолаверса оиланинг хўжалик ишлари билан банд бўлади. Бу ўзбек оилалари тарихидан маълум бўлган ҳақиқат ва ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган анъанадир¹.

Оилада бола тарбиясида оиланинг ҳар бир аъзоси яъни, бобо, буви, ота-она, опа, ака, амма, хола, тоға. Қўйингки қўни-қўшни, маҳалла, мактаб, жамоатчилик бирдек маъсулдир. Халқимизда «Бир болага етти қўшни ота-она», «Бир тоға етти ота ўрнида», «Маҳалланг-отанг-онанг» каби мақоллар бежиз айтилмаган. Шунинг учун бола тарбиясида барчанинг талаби, муносабати бир хил бўлмоғи лозим. Тарбиячилар ўртасидаги тарбия усулларининг, талаб ва фикрларининг ҳар хиллиги болани тарбиясизликка олиб келади².

Садриддин Айний ўз маърифатпарварлик қарашларида ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик ғояларини илгари суради. Унинг фикрича, тарбиянинг асосий мақсади болани ватанга, халққа садоқатли қилиб камол топтиришдир. У ижодий ва маърифий фаолиятларида, ўқиш китобларида бу ғояни болалар онгига сингдиришга ҳаракат қилди. Айний халқнинг ақл-заковатини, куч-қудратини ўзаро дўстликда, меҳр оқибатда кўрди, болаларда халққа хос бу фазилатларни таркиб топтиришга даъват этади.

Айний ахлоқий тарбияланган бола ҳеч вақт ёлғон гапирмаслигини ҳамма вақт чин сўзли, соф виждоли бўлишини айтади ва сахийлик, ҳайрихоҳлик, камтарликни ахлоқий фазилат ҳисоблайди ва тарбияда болаларда бу сифатларни ривожлантиришни ўқтиради.

Айний ахлоқ ҳақидаги қарашларида камтарликни энг юксак инсоний фазилат эканлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг ўқтиришича, болаларнинг камтарлик руҳида тарбиялашда шахсий намуна, ўрнак бўлиши муҳим омилдир. Айний меҳнатни улуғлайди, меҳнат инсонга

¹ Оила этикаси психологияси. 1991 йил. Ўқитувчи 70 бет.

² Оила маънавияти миллий ғурур. Т. Ўқ. 1999 йил. 49-50-бет.

ҳурмат, обрў, бахт баҳси эшитишини таъкидлаб оилада болани ёшлик бахтидан меҳнатга кўниктириш кераклиги айтади.

Навоийнинг ўқдиришича, тарбиянинг мақсади ёш авлодни халқпарвар, билимли, энг яхши фазилатларга эга киши қилиб етиштиришдир. Навоий боланинг вояга етишишида, камол топишида тарбиянинг кучи ва қудратига, тарбия-натижасида боланинг фойдали ва етук киши бўлиб ўсишига ишонади.

Навоийнинг ўқтиришича, ёш бола яхши нима-ю, ёмон нималигининг фарқига бора олмайди, чунки унинг тушуниш фикрлаш, муҳокама қилиш қобилияти ўсмаган бўлади. Шу сабабли, у ўз хусусиятига кўра, бирор салбий таъсир натижасида ярамас, нотўғри йўлга тушиб кетиши мумкин. Демак, болани жуда кичик ёшидан бошлаб тарбияламоқ даркор.

Бунда Ибн Сино болада ахлоқий хислатларни меҳнат, жисмоний ва ақлий тарбия билан узвий бирликда шакллантиришни болани ҳақиқий инсон қилиб камол топтиришда асосий омил деб билади.

Ибн Сино ахлоқий тарбияда энг муҳим воситалар бола билан, нафсига, ғурурига тегмаган ҳолда, яккама-якка суҳбатда бўлиш, унга насиҳат қилишни маъқул усул ҳисоблайди.

Насиҳат қилишда суҳбатдошга ниҳоятда ҳурмат билан ёндошиш, уни камситмаслик, ортиқча сўз айтиб, уни зериктирмаслик керак.

Бир хил насиҳатларни қайтаравериш болага таъсир қилмайди. У дейди: «Сенинг фикрларинг (боланинг)юрагига етиб бориб, унга ўйлаб, фикр юритиб кўришга имкон бериш. . . Агарда суҳбатдошнинг ёки дўстинг сенинг сўзларингга ва насиҳатингга эътибор бермаётганини сезсанг, суҳбатни бошқа вақтга кўчир».

Ибн Синонинг фикрича, боланинг тарбияси – бу изчил ва аста-секин амалга ошириладиган тартибдан иборатдир.

Жан Жак Руссо эса боланинг ёшлик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тарбияни тўрт даврга бўлади. Биринчи давр-туғилганидан 2 ёшгача,

нутқ пайдо бўлиш даври. Бу даврда болани жисмоний тарбиялашга алоҳида эътибор бериш керак.

Иккинчи давр – 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган давр. Бу даврни Руссо образли қилиб «ақл-идрок уйқуси» деб атади. Унинг фикрича, бу даврда асосан, боланинг ташқи оламни ҳис қилиш қобилиятини ривожлантиришга аҳамият бериш лозим.

Учинчи давр – 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган давр. Бу ёшда боланинг ақлий ва меҳнат тарбиясига эътибор бериш керак.

Тўртинчи давр – 15 ёшдан балоғатга етгунча бўлган давр.

Руссонинг фикрича, бу даврда боланинг хулқ-атворида турлича ўзгаришлар бўлиши мумкин. Шунга кўра, бу даврда ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Руссо икки ёшгача бўлган болани парвариш қилиш овқатлантириш, тозалигини сақлаш, чиниқтиришдан иборат эканлигини айтади. Бу даврда бола ҳақида асосан, она ғамхўрлик қилади. Она уни ўз сути билан боқиб ката қилади. «Она бўлмаса, бола ҳам бўлмайди!». Бу даврда бола эркин ҳаракатлар қилади. Бунда унинг жисмоний чиниқишига эътибор берилади.

Бола соғлом бўлиши, табиий эҳтиёжлари қондирилиши лозим. Аммо боланинг ҳар қандай истакларини бажармаслик керак. Барча истакларини бажариш, бу – унда раҳмсизлик, жаҳиллик хислатларининг ривож топишига сабаб бўлиши мумкин.

Икки ёшдан бошлаб бола ҳаётида янги давр бошланади. Бу даврда асосий эътиборни унинг сезги аъзоларини ривожлантиришга қаратиш зарур.

Руссонинг фикрича, бола нутқини ривожлантиришни сунъий равишда тезлаштирмаслик керак. Бу ҳолат сўзни нотўғри талаффуз қилишга, гап мазмунини тушунмасликка олиб келиши мумкин. Шу сабабли, боланинг билган нарсаларини гапиришга эришиш ғоят муҳимдир. Бола 2 ёшдан 12 ёшгача табиий ҳолда ва шахсий тажрибаси

асосида ижтимоий ҳодисалар ҳақида тасаввурга эга бўлиши, ўйин ва жисмоний машқлар жараёнида фаоллик кўрсатиш, қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этиш керак.

Бола учун 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган давр, Руссонинг фикрича, ўқиш учун энг яхши вақтдир. Бу даврда унда билим олишга қизиқиш кучаяди. Бу даврда у ўзи қизиққан фанларни танлайди. Руссонинг фикрича, бола бу даврда табиат ҳақидаги фанлар – география, астраномия, физика, табиатшунослик фанларини ўрганиши лозим.

Руссонинг ўқитиришича, ахлоқий тарбиянинг мақсади - болада фанларга қизиқиш ва муҳаббат уйғотишдан, унга билимларни эгаллаш усулларини ўргатишдан иборат бўлиши керак. Бунинг учун боланинг мустақиллиги ва фаоллигини ривожлантириш асосида таълим мазмуни ва ўқитиш усулларини тубдан ўзгартириш лозим. Бола ўзи яшаётган жой, қишлоқ ва шаҳар билан танишиб, географияга оид билимларни эгаллайди: юлдузлар ҳаракати қуёшнинг чиқиши ва ботишини кузатиб, астраномияни ўрганади: тажрибалар ўтказиб физикани билиб олади, билимларни тарбияси орқали эмас, балки ўз кучи билан эгаллаши, фанларни қуруқ ёд олмасдан, уларни ўзи ихтиро қилиши керак.

12-15 ёшда ўсмир ўқиш билан бирга, меҳнат тарбиясини ҳам олиши керак, чунки меҳнат ҳар бир кишининг ижтимоий бурчидир.

Руссонинг таъкидлашича, бола катталар меҳнатида иштирок этиши керак. Шундагина у меҳнат аҳилларига ҳурматда бўлади.

Руссо меҳнатни боланинг ақлий ривожланиши учун амалий восита деб билди, боланинг турли касбларни эгаллашини, болани ижодкор шахс қилиб тарбиялаб, етиштиришни тавсия этди.

15 ёш боланинг яшаш ва ишлашга, ҳаётга тайёрланадиган даврдир.

Руссо ахлоқий тарбия ҳақидаги қарашларида болани яхши фазилатли, иродали қилиб тарбиялашни талаб этади, ижобий ҳис-туйғуларини ривожлантиришни биринчи ўринга қўяди. руссонинг

фикрича, бу ҳис-туйғуни ривожлантириш болада катталарга инсоний муносабатда бўлиш туйғусини ҳосил қилишига ёрдам беради.

2.3. МАВЗУ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАЖРИБА ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.

Болалик, ёшлик, ўсмирлик инсон ҳаётининг яшнаган фасли, камолга эришиш давридир. Инсон болалик пайтидан ота-онаси, акалари, опалари, ўртоқлари, умуман атрофдаги кишилардан у ёки бу хулқни тақлиддан ўзига сингдириб боради. Шунинг учун ҳам халқимиз «Катталар одоби-болалар камолоти»-деб бежиз айтишмаган.

Кузатишларга қараганда кўпчилик оилаларда бола тарбиясини уни фақат парвариш қилиш деб тушунилади. Боланинг ақлий тараққиёти ва унинг шахс сифатида шаклланиши эса эътибордан четда қолдирилади. Бундай оилаларда тарбияланган болалар гарчанд катталарбоп бўлиб, амалий тараққиёт жиҳатидан анча орқада қолишади.

Баъзи оилаларда тарбияланган болалар дастлаб қараганда ўта тараққиё этгандек бўлиб кўриниб, ўз хатти-ҳаракатлари билан кўпчиликни ҳайратга солади. Лекин уларда ўз-ўзига хизмат қилишнинг оддий малакалари шаклланмаган бўлиб, болалар билан тезда алоқага киришиб кета олмайди. Доимо ўзини четга тортиб туради. Бундай ҳолатнинг намоён бўлиши боланинг бир ёқлама тараққиётидан далолат беради. Равшанки, бола тараққиётидаги бир ёқламалик ҳеч бир ота-онага ёқмаса керак. Шундай экан унинг олдини олиш, ўз фарзандини ҳавас қилгудек даражада ўстириш ҳар бир ота-онанинг ўзига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Бунинг учун боланинг ҳар бир ёш босқичдаги рўй бераётган биологик, руҳий ўзгаришларни эътиборга олиб ўзига хос тарбия усулларидан фойдаланиш айтиш мумкин. Айниқса ота-оналар унутмасликлари керакки, бола шахси тараққиётида бир ёшдан уч ёшгача бўлган давр асоси ҳисобланиб, айтиш мумкин бу даврда бола тарбиясига эътиборни кучайтириш лозим. Амалиётда эса кўпинча ота-оналарнинг бу ёш даврига нуноқ, ҳеч нарса қила олмайдиган бола сифатида қарашга одатланганликларини кўраемиз.

Айни вақтда педагогларни ота-оналар саволларга ҳар доим очикча ва объектив равишда жавоб бермасликлари мумкинлиги ҳақида ҳам огоҳлантириш керак. Фақат аниқ саволгина педагогик фойда бериш мумкин, чунки у ота-онани уйлашга мажбур қилади.

Биз тадқиқотимиз давомида Қарши шаҳридаги бир қанча оилаларда «Ўзингизни болангизни биласизми?» деган саволлар тайёрлаб ушбу саволларга ота-оналарнинг жавоблари олинди.

Ушбу саволлар қуйидагича эди:

1. Болангизнинг туғилган куни қачон? (отага савол).
2. Болангиз отаси билан қандай ўйинни ўйнашни яхши кўради? (онага савол).
3. Ўғлингиз ёки қизингизнинг ҳарактеридаги ижобий томон ҳақида гапириб беринг? (ота-онага савол).
4. Болангизнинг ташқи кўринишини тасвирланг? (отага савол).
5. Болангизда қандай камчиликлар бор? (ота-онага савол).
6. сизнингча, болангиз оила аъзоларидан кимни кўпроқ яхши кўради ва нега? (ота-онага савол).
7. Сиз тарбия ишида услублар зарур деб ҳисоблайсизми? (ота-онага савол).
8. Оилангизда бола тарбияси билан ким кўпроқ шуғулланади: (бобоси, бувиси, онаси, отаси, акаси, опаси ва бошқалар савол).
9. Сиз кўпроқ нима туфайли болангизга танбеҳ берасиз, жизолайсиз, келиша олмайсиз? (ота-онага савол).
10. Тарбияга оид адабиётларни, рўзнома ва журналларни мунтазам ўқиб борасизми? (ота-онага савол).
11. Оилангизда болангизга эртак, мақол, топишмоқлар айтиб берасизми? (ота-онага савол).
12. Болалар оилада қандай вазифаларни бажарадилар? (ота-онага саволлар).

13. Болалар оилада қандай вазифаларни бажарадиган? (ота-онага савол).

14. Ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмаларини ким ўрганади? (ота-онага савол).

15. Сиз умр йўлдошингизга нималарда ёрдам берасиз? Бу ёрдамни етарли деб ўйлайсизми? (ота-онага савол).

16. Болангиздан мамнунмисиз? Уларнинг хулқ-атворида сизни нима хавотирлантиради? (ота-онага савол).

17. Болалар тарбиясида қандай қийинчиликларга учраяпсиз? (ота-онага савол).

18. Болалар тарбиясида хатоларга йўл қўймайсизми? (ота-онага савол).

19. Болалар тарбияси учун керакли бўлган билимларни қандай қилиб эгаллайсиз? (ота-онага савол).

20. Мактаб бола тарбияси учун етарлича ёрдам бераяптими? (ота-онага савол).

21. Педагоглардан қандай ёрдам олишни истар эдингиз? (ота-онага савол).

Анкета саволларни ўтказишдан асосий мақсадимиз шаҳар оилаларининг ўзига хослигини, жумладан уларнинг яшаш шароитлари ва моддий таъминланишлари, ота-оналарнинг ишлаб-чиқаришдаги машгулот даражаси оилавий ҳаёт босқичини оилавий тарбияни қандай амалга ошириш учун аниқлашдан иборат.

Саволлар шундай жойлаштирилдики, натижада олинган жавоблар аниқ, шубҳа туғдирмайдиган, тушунарли, ота-оналик ҳиссиётига салбий таъсир кўрсатмайдиган, муҳими, воқеяликни реал акс эттирган, шахсий мулоқотлар учун асос бўлди. Болалар билан суҳбат уларнинг ота-оналари билан олдинроқ танишиши асосида қурилса, ўртоқлик муносабатлари олдинроқ вужудга келган бўлса, иш янада тез кўчиши аниқланди. Суҳбат оила аъзолари, бобо ва бусиларни мактаб ҳаёти билан яқиндан

таништириб, шу асосда уларни мактабнинг, «иштирокчилари» ҳолатида ташкил этилди. Узоқ муддат ота-оналар билан мулоқотда бўлиш, улар билан ишончли алоқа ўрнатиш, яхши кайфиятлардан фойдаланиш натижасида берилган саволларга аниқ жавоблар олишга муваффақ бўлинди. Албатта, ота-оналар ва болалар билан суҳбат ўтказиш режалари олдиндан шароитни тез тасаввур этиш ва изчиллик асосида тузилди. Бунда ота-оналарнинг маълумотлилик даражасини, оилавий муносабатларни у ёки бу даражада билишимиз бизни қизиқтирган томонларни белгилашда ёрдам берди.

Ота-оналар билан суҳбатлар улар қийналмайдиган оддий ва табиий ҳолатда ташкил этилди.

Кузатишларнинг кўрсатишича, кам болали оилаларга нисбатан кўп болали оилаларда тарбия имкониятлари кўп ва ранг-барангдир.

Ўзбек оилаларида ота-оналар болаларни катталар меҳнатига ёши ва имкониятларига қараб жалб этишади. Шу сабабли ёшлар ўз оилаларида алоқадор масалаларни мустақил ва маъсулиятли ҳис этиб ҳал этдилар. Албатта, бунда оиладаги ота-оналарнинг маълум йўналишидаги хулқ-атворлари ва уларнинг болалар фаолиятида акс этиши-муҳим аҳамиятга эгадир.

Ота-онадан болаларига ўтадиган характер, темпераментларгина эмас, балки уларнинг хулқ-атворлари, муаммога, ўзаро муносабат шакллари, жавоб тарзини эсдан чиқармаслик керак.

Оила хўжалигида меҳнат тақсимоти энг қадимий ва маданий ижтимоий бир ҳолдир. Ҳозирги кунда эса, шаҳар оилаларида эр ва хотин ўзаро маъсулиятли ишларни бўлишиб олишнинг кўплаб турларини вужудга келтиришди. Аниқроқ қилиб айтганда, барча оилавий ишларни бажаришда тенг ҳуқуқлилиқ йўналиши яққол кўзга ташланади. Айниқса, бу болалар тарбияси вазифасининг бажарилишида кўпроқ намоён бўлмоқда.

Болалар мактабда таълим-тарбия дастури фақат тарбиячилар учун эмас, балки ота-оналар учун ҳам мўлжалланган қўлланмадир. Мана шу дастур бўйича республикамиз вилоятларида, туманларида, шаҳарларида, ота-оналар билан ишлаб олиб борилмоқда. Шаҳримиздаги ота-оналар мактаблари ташкил этилган. Маҳалларда махсус мутахассислар ҳафтасига уч кун турли мавзуларда маърузалар ўқийдилар, қизиқарли савол-жавоблар ўтказадилар. Мен ҳам бўлажак педагог сифатида ота-оналар мактаби ташкил этилган мактабларга бориб бир нечта маърузалар ўқидим.

Масалан: «Оилада болаларни ақлий ривожлантириш» тўғрисида, «Оилада болалар билан машғулотларни ташкил этиш» мавзусида маъруза ўқидим. Мактаб таълим-тарбия дастури бўйича ота-оналарга савол билан мурожат қилдим. Анкета саволларни 25 тасини мактабга бормайдиган оиладаги ота-оналарга, 25 тасини мактабга қатнашадиган ота-оналарга тарқатдим. Қуйидаги жадвалларда ота-оналар жавоблари киритилган.

1. Болалар таълим-тарбиясида кимни жавобгар шахс деб биласиз? (оила, мактаб жамоатчилиги).

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Фоиз ҳисобида
50	Болалар таълим-тарбиясида оила, боғча, маҳалла жавобгар шахс ҳисобланади.	100%

2. Бу жадвалдан кўришиб турибдики, 100% ота-оналар бола тарбиясида, оила мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигини яхши натижа беришни ижобий томонини биладилар.

Таълим бериш усуллари билан қизиқасизми? Бу масалалар бўйича методик адабиётлар ўқийсизми? Мактабда ота-оналар учун кутубхоналар зарурми?

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Фоиз ҳисобида
------	--------------------------	------------------

20 Таълим усуллари билан қизиқаман. Шунинг учун 20%
кўпроқ таълим-тарбияга оид методик қўлланмалар
ўқийман.

Таълим усуллари ҳақида маълумотга эга эмасман.
Ўқишга вақт топа олмайман.

30 Ота-оналар учун кутубхона жуда зарур 30%

Ота-оналарнинг 20% таълим бериш усулларига қизиқишлари, 30% ота-оналар таълим усуллари ҳақида маълумотга эга эмас эканликлари ҳақида айтдилар. Бу (жадвал) жавобдан кўришиб турибдики, кўпчилик ота-оналар болаларга таълим бериш усуллари ҳақида маълумотга эга эмаслар. Болалар мактабда кутубхона бўлишини ҳамма ота-оналар ҳаҳлайдилар.

3. Фарзандингизни ҳар томонлама мукамал таълим-тарбияси ҳақида мактаб ўқитувчиларидан доимий равишда керакли маслаҳатлар оласиз?

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Фоиз ҳисобида
------	--------------------------	------------------

50	Фарзандимнинг ҳар томонлама мукамал таълим-тарбияси бўйича мактаб таълим муассасалари ходимларидан доимий равишда маслаҳатлар олиб тураман.	100%
----	---	------

Жадвалда кўришиб турибдики, 100% ота-оналар бола тарбиясида мактаб билан ҳамкорликда иш олиб бориб, боланинг ақлий, ахлоқий ривожланишига катта эътибор берар эканлар.

4. Сизнинг фикрингизча мактабда қўшимча таълим хизмати зарурми? Қандай хизматлар бўлишини ҳоҳлайсиз?

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Фоиз ҳисобида
------	--------------------------	------------------

50	Болаларни мактабда ўқув дастур талаблари мукамал	100%
----	--	------

бажарилсагина қўшимча таълим хизматига зарурат бўлмайди.

Бу жадвалда кўриниб турибдики, мактабда ўқув дастур талабалари тўлиқ бажарилса, қўшимча таълимдга зарурат бўлмаслиги ҳамда ота-оналар фикр билдирганлар.

5. Болаларни кичик ёшдан бошлаб хорижий тилларга ўргатиш зарурми? Болангиз қайси тилни ўрганишини истайсиз?

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Ҳоиз ҳисобида
50	Болаларни кичик ёшдан бошлаб хорижий тилларга ўргатиш зарур. Фарзандим кўпроқ инглиз тилини ўрганишини ҳоҳлар эдим.	100%

Бу жадвалда кўриниб турибдики 100% ота-она тил ўрганиш айниқса инглиз тилини ўрганиш, ҳозирги кун талаби эканлигини чуқур англашади.

6. Фарзандингиз таълим олаётган мактаб ўқитувчилари сизнинг талабингизга жавоб берадими? Балки сиз бошқачароқ бўлишини ҳоҳларсиз? Бу борадаги таклифларингиз.

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Ҳоиз ҳисобида
50	Мактаб ўқитувчилари таълим-тарбия дастурига жавоб бериши шарт	100%

Бу жадвалда маълумки, мактаб ўқитувчилари таълим тарбияга оида билимларига, тўлиқ жавоб бериши шарт.

7. Фарзандингизни истиқболини қандай тасаввур қиласиз? Шу тасаввурдаги натижага эришиш учун қандай таклифлар бера оласиз.

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Фоиз ҳисобида
50	Фарзандимнинг келажагини порлоқ деб тасаввур қиламан. Бундай натижага эришиш учун оила ва мактаб ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш керак деб ўйлайман.	100%

1. Сизнингча оилада бола тарбиясини нима қийинлаштиради? (тагига чизинг).

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Фоиз ҳисобида
30	Тарбияга оид билимларни етишмаслиги.	30%
30	Болаларни иш билан банд этмаслик, ёшига қизиқишларига қараб муомала қилмаслик.	20%
35	Хўжалик ишларининг бажаришида иштирок этмаслик.	35%
15	Ота-оналарнинг бемаслаҳат иш олиб боришлари.	15%

Бу саволдан маълумки, 10% ота-она болалар тарбиясида билимлар етишмаслиги, 20% ота-она болаларни иш билан банд қилмаслик, 35% ота-она хўжалик ишларига жалб эта олмаслик, 15% ота-она бемаслаҳат иш олиб боришлари ҳақида фикр билдирганлар.

2. Сиз тарбия ишида услублар зарур деб ҳисоблайсизми? (ха ёки йўқ тагига чизинг).

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Фоиз ҳисобида
83	Болалар тарбиясида услублардан фойдаланаман	83%
17	Бола тарбиясида услублардан фойдаланиш шарт эмас деб ҳисоблайман	17%

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, 100% ота-оналар бола тарбиясига оила мактаб ҳамкорлигини яхши натижа беришини ижобий томонини билади.

3. Болалар тарбиясида кимни жавоблар шахс деб биласиз? (оила, жамоатчилик, мактаб).

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Ҳоиз ҳисобида
100	Болалар тарбиясида оила, мактаб, жамоатчилик жавобгар шахс ҳисобланади	100%

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, 100% ота-оналар бола тарбиясига оила, мактаб ҳамкорлигини яхши натижа беришини ижобий томонини билади.

4. Болангиз нима сабабдан у ёки бу ноўрин хатоларга йўл қўйиш ҳолларига эътибор берасизми? Ҳа ёки йўқ (тагига чизинг). Сабабини суриштирмай жазолайсизми? Ҳа ёки ёўқ. Сабабини ҳисобга оласизми? Ҳа ёки йўқ.

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Ҳоиз ҳисобида
78	Сабабини ҳисобга оламан.	78%
22	Жаҳлим чиқиб кетган пайтларда сабабини суриштирмай жазолайман	22%

5. Болалар тарбиясида кимни жавобгар шахс деб биласиз? (оила, мактаб, жамоатчилик).

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Ҳоиз ҳисобида
100	Болалар тарбиясида оила, мактаб, жамостчилик жавобгар шахс ҳисобланади	100%

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, 100% ота-оналар бола тарбиясига оила, мактаб, жамоатчилик ҳамкорлиги яхши натижа беришини ижобий томонини билади.

6. Болангиз нима сабабдан у ёки бу ноўрин хатоларга йўл қўйиш ҳолларига эътибор берасизми? Ҳа ёки йўқ (тагига чизинг). Сабабини суриштирмай жазолайсизми? Ҳа ёки ёўқ. Сабабини ҳисобга оласизми? Ҳа ёки йўқ.

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Ҳисобда
78	Сабабини ҳисобга оламан.	78%
22	Жаҳлим чиқиб кетган пайтларда сабабини суриштирмай жазолайман	22%

7. Болангизга ҳар томонлама мукамал таълим-тарбия бериш бўйича мактаб ўқитувчилари доимий равишда керакли маслаҳатлар оласизми?

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Ҳисобда
73	Боламга ҳар томонлама таълим-тарбия беришда мактаб ўқитувчиларидан маслаҳатлар оламан.	73%
27	Фарзандимнинг яхши инсон бўлишини хоҳлайман. Аммо, мактаб ўқитувчилари билан яқинда алоқада бўлиши учун вақт топа олмайман.	27%

8. Болаларни кичик ёшдан бошлаб хорижий тилларга ўргатиш зарурми? Болангиз қайси тилни ўрганиши истайсиз?

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Ҳисобда
100	Болаларни кичик ёшдан бошлаб хорижий тилларни билишга ўргатиш зарур. Болани кўпроқ инглиз	100%

тилини ўрганишни истардим

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, 100% ота-она тил ўрганиш ҳозирги кун талаби эканлигини чуқур англашади.

8. Фарзандингиз истиқболини қандай тасаввур қиласиз? Шу тасаввурдаги тарбияга эришиш учун қандай таклифлар бера оласиз?

Сони	Ота-оналарнинг жавоблари	Ҳоиз ҳисобида
100	Фарзандимнинг келажаги порлоқ деб тасаввур қиламан. Бунга эришиш учун оила ва мактаб ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш керак деб ўйлайман	100%

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, 100% ота-оналар фарзандининг келажаги порлоқ бўлиши учун ота-оналар ва ўқитувчилар ҳамкорлигини кучайтириш керак деб ўйлайдилар.

Мактаб ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланишини аниқлаш мақсадида шаҳардаги бир неча оилаларда бўлиб, уларнинг нутқини ривожланганлик даражасини аниқлашга ҳаракат қилдим.

Мактаб ёшидаги болаларнинг актив нутқида 3000-3500 та сўз бўлиши керак. Бу сўзлар атрофдаги билан муомалада тез-тез ишлатиладиган сўзлардир.

Бола 7 ёшга етганда гапларида сўзларнинг ўзгариши ва боғланиши ҳақидаги асосий қонунларни талаб эгаллаб олади.

Ота-оналарнинг асосий вазифаси болаларни саволга жавоб беришда ўз фикрини тўлиқ, аниқ баён эта олиши, гапларда сўзларнинг тўғри боғлай олишига, ҳикоя қилишда бирор эрта қайта, ҳикоя қилишда гапларни тўлиқ ва тўғри тушуна олишга боғловчилардан иккинчи даражали гап бўлакларидан фойдаланишга ўргатиб боришдан иборат.

Умуман олганда ота-оналар болани мактабга тайёрлашда уларнинг нутқини ривожлантириш масалаларига эътибор беришлари лозим.

Ота-оналарнинг «Мактаб таълим дастури»дан қай даражада хабардор эканликларини аниқлашга ҳаракат қилдим. Кўпчилик ота-оналар фарзандларининг таълим-тарбияси билан етарли даражада шуғулланмайдилар. Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики 70% ота-оналар таълим-тарбия дастуридан беҳабар.

Жуда кўп оилаларнинг бола таълим-тарбиясидаги тажрибаларни кузатиш ва ўрганиш материалларига таяниб оила тарбиясида йўл қўйиладиган хатоларнинг сабаби ҳақида қўйидагини айтиш мумкин.

ХУЛОСА

Кўриб ўтдикки оилада бола тарбияси масаласи қадим-қадимлардан бўён барча ахли донишларнинг фикрлари қаратилган энг асосий масалалардан ҳисобланган. Ҳаттоки, урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳам болаларни ҳар томонлама шакллантиришга қаратилган. Алломаларимизнинг қарашлари, анъаналаримиз асрлар ўз ҳикматли томонларини йўқотмай, тобора сайқал топиб ҳозиргача келди. Улар ўз навбатида оилада бола тарбиясида ижтимоий педагогик асос бўлиб хизмат қилади.

Оилада бола тарбиясидаги ижтимоий педагогик асослар эса жамиятда юз бераётган ижтимоий, иқтисодий жараёнлар билан узвий боғлиқдир. Бу жараёнлар туб ўзгаришлар даврини бошидан кечираётган жумхуриятимизда яққол кўзга ташланади.

Ҳозирги кунда жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши натижасида барча соҳалар каби оилада шахслар аро муносабатлар, шу жумладан ота-она ва фарзандлар орасидаги муносабатлар ҳам давр талабига мос ҳолда шаклланмоқда. Бундай муносабатларнинг шаклланиш негизида эса ўтмиш, маданий меросимизни, миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни тиклаш ва уларни амалий фаолиятда қўллаш ҳамда хусусий мулкка, ишбилармонликка, тадбиркорликка кенг эътибор бериш уларни кишиларимиз ҳаётига тадбиқ этиш каби омиллар ётади.

Оилада фарзанд тарбиясини тўлақонли, давр талабига мос ҳолда амалга ошириш учун болаларга ўтмиш маданий меросимизни, миллий қадриятларимизни ўргатиш билан бир қаторда ёш авлод онгига умуминсоний қадриятларни билиш, жаҳон халқлари тилларини, маданиятини мукамал ўзлаштириш, энг асосийси ёшларни илм-фан, техниканинг сўнгги ютуқларини эгаллашга ундаш ҳаётий заруратдир.

Бугунги кунда давлатимиз амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар ягона мақсадга аҳолининг моддий шароитини яхшилаш, турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Яна бундан ташқари

келажимиз ҳисобланмиш болалар ва уларнинг тарбиясига кенг эътибор берилган бўлиб, уни «Соғлом авлод ордени»нинг «Умид» ва шу каби турли хил жамғармаларнинг таъсис этилишида яққол кўришимиз мумкин.

Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов Олий мажлиснинг XIV сессиясида шундай дейди: «Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги яққол амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир».

Ҳақиқатдан ҳам, халқимиз педагогикасида болаларни жамиятнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялаш етарли тажрибалар тўпланган. Буни эса давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳаётга тадбиқ этиш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Ота-онанинг ўз фарзанди тарбиясига эътибор бермаслиги, уни ўз ҳолига ташлаб қўйиши, бу соҳадаги вазифаларга бир тамонлама қараш ота-онанинг бурчини жамият олдидаги маъсулиятини ҳис қилмасликдир. Ҳар бир ота-она ўз фарзанди тарбияси билан асосли равишда шуғулланиши, бунинг учун эса таълим-тарбия ишининг ўзига хос томонларини, қонуниятларини, боланинг педагогик-психологик ва ёш хусусиятларини, жисмоний ва физиологик ривожланиш қонуниятларини билишлари, ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги мувоффақиятларига эришишнинг асосий омилдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида».
2. Каримов И.А. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 й. 283 б.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 й. 5 б.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 й. 80 б.
5. Каримов И.А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» «Ўзбекистон» нашриёти, 1995 й.
6. Азаров Ю.П. «Оила педагогикаси» Тошкент, «Ўқитувчи», 1988 й.
7. Авлоний А. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» Тошкент, «Ўқитувчи», 1992 й. 11-14 б.
8. Ахатова Д. «Абдурауф Фитратнинг оилавий муносабатларга оил қарашлари» «Халқ таълими» журнали Тошкент, 2006 й. 4-сон, 62-65 б.
9. Аҳлиддинов Р. «Ўзбек оиласи фазилатлари» «Халқ таълими» журнали. Тошкент 1998 й. 1-сон, 51-56 б.
10. Душенно И.Ф. «Ота оналарнинг мактабга ёрдами» ЎзССР Давлат Ўқув-Педагогика нашриёти. Тошкент, 1954 й, 3 б.
11. Зуннунов А. «педагогика назарияси» Тошкент, «Алоқаси» 2006 й.
12. Иномова О. «Фарзанд-ниҳол, ота-она боғбон» Тошкент, «Ўқитувчи» 1994 й.
13. Ибрагимов Х. «Экологик таълим-тарбияда болалар боғчасининг оила билан ҳамкорлиги» «Халқ таълими» журнали. Тошкент, 2004 й. 2-сон, 59 б.
14. Иномова М. «Оилавий тарбияни такомиллаштиришнинг назарий асослари» «Халқ таълими» журнали. Тошкент, 1998 й, 3-сон, 12-19 б.

15. Иномова О. «Оила тарбиясида миллий хусусиятларни ҳисобга олиш» «Халқ таълими» журнали. Тошкент, 2004 й, 5-сон, 56-58 б.
16. Кайковус К. «Қобуснома» Тошкент; 1992 й, 82-87 б.
17. Лутфуллаев Н. «Оиланинг тарбиявий аҳамияти» «Халқ таълими» журнали. Тошкент; 2005 й. 2 сон. 44-48 б.
18. Мусурмонова О. «Оила маънавияти миллий ғурур» Тошкент; «Ўқитувчи» 1999 й. 42 б.
19. Мусурмонова О. «Оила йилида – оила манфаатлари бош мезони» «Халқ таълими» журнали. Тошкент; 1998 й, 1 сон, 4-8 б.
20. Мақсудов Т. таҳрири остида «Оила этикаси ва психологияси» Тошкент; «Ўқитувчи» 1991 й.
21. Мунавваров А.Қ. «Педагогика» Тошкент; «Ўқитувчи» 1996 й.
22. Маҳкамов У. «Ахлоқ одоб савбоқлари» Тошкент; «Фан» 132 б.
23. Мавлонова Р., Тўраева О., Ҳоликбердиев К. «Педагогика» Тошкент; «Ўқитувчи» 2001 й.
24. Раҳимов Ж. «Инсон одоби билан гўзал» «Халқ таълими» журнали. Тошкент; 1992 й.
25. Соболев А.Л. «Мактаб, оила ва жамоатчилик» Тошкент; «Ўқитувчи» нашриёти 1978 й.
26. Узоқов Х., Ғозиев Э., Тожиев А. «Оила этикаси ва психологияси» Тошкент; «Ўқитувчи» 1992 й, 125 б.
27. Узоқов Х., Ғозиев Э., Орипова Л. «Оила ахлоқи ва одоби» Мажмуа. Тошкент; «Ўқитувчи» 1995 й, 198 б.
28. Узоқов Х., Ғозиев Э., Тожиев А. «Оила этикаси ва психологияси» Тошкент; «Ўқитувчи» 1992 й.
29. Умарова М. «Оилани этнопсихологик ўрганишга яна бир услубий ёндашиш» «Халқ таълими» журнали. Тошкент; 1998 й, 2-сон, 56-57 б.
30. Фахр ул Банот Сибғатуллоҳ қизи «оила сабоқлари» Тошкент; «Ёзувчи нашриёти» 1992 й.

31. холматова М. «Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш – соғлом авлод тарбиялаш омилидир» «Халқ таълими» журнали. Тошкент; 1998 й, 1-сон, 37-42 б.
32. Шербоев М. «Оилада эстетик тарбия» Тошкент; «Ўқитувчи» 1971 й.
33. Шербоев М. «Оилада бола тарбиясида халқ традициялари» «Ўқитувчи» нашриёти Тошкент; 1969 й.
34. Ҳосилова З. «Оила – энг катта тарбиячи» «Халқ таълим» журнали. Т; 200 й, 3-сон, 7-8 б.
35. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. «педагогика тарихи» «Ўқитувчи» нашриёти 1996 й.
36. Қурбонов М. «Оила-миллий тарбия учоғи» «Халқ таълими» журнали. Тошкент; 1998 й, 1-сон, 4-8 б.